БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ, МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

№15 (762)

20 ЯНВАРЬ ЯКШАНБА 1957 ЙИЛ

БАҲОСИ 20 ТИЙИН

СОВЕТ-ХИТОЙ ҚЎШМА ДЕКЛАРАЦИЯСИ

Хитой Халқ Республикаси Давлат Кенгашининг Бош Министри ва Ташқи ишлар министри Чжоу Энь-лай бошчилигида Хитой Халқ Республикасининг Ҳукумат Делегацияси Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи Ҳукуматининг таклифига биноан 1957 йил 7 январдан 11 январгача ва 17 январдан 19 январгача дўстлик визити билан Совет Иттифоқида бўлди. Хитой Халқ Республикасининг Ҳукумат делегацияси ва унга ҳамроҳ бўлиб келган шахслар СССРда бўлган вақтларида Москвани, Иркутск, Омскни, Тошкентни кўрдилар ва бир қанча саноат корхоналари, колхозлар, ўқув юртлари ва шу кабилар билан танишдилар.

Хитой Халқ Республикасининг Ҳукумат Делегацияси СССРда бўлган вақтида Совет Иттифоқи ва Хитой Халқ Республикасининг Ҳукумат Делегациялари ўртасида халқаро аҳволнинг муҳим масалалари устида, социалистик мамлакатлар ўртасидаги дўстона ҳамкорлик муносабатларини янада мустаҳкамлаш ва кучайтириш ҳамда Совет Иттифоқи билан Хитой Халқ Республикаси ўртасидаги дўстона ҳамкорликни янада ривожлантириш масалалари устида фикр алмашувлар бўлди.

Музокараларда Совет Томонидан СССР Министрлар Советининг Раиси Н. А. Булганин, СССР Олий Совети Президиумининг аъзоси ва КПСС Марказий Комитетининг Биринчи Секретари Н. С. Хрушчев, СССР Министрлар Совети Раисининг Биринчи ўринбосари А. И. Микоян, СССР Ташқи Ишлар Министрининг ўринбосари Д. Т. Шепилов, СССРнинг Хитой Халқ Республикасидаги Фавқулодда ва Мухтор Элчиси П. Ф. Юдин қатнашдилар. Музокаралар вақтида Совет Томонидан СССР Ташқи Ишлар Министрининг ўринбосари Н. Т. Федоренко, СССР Ташқи Ишлар Министрлигининг Коллегия аъзоси Л. Ф. Ильичев ва СССР Ташқи Ишлар Министрлиги Узоқ Шарқ бўлимининг Мудири И. Ф. Курдюков ҳозир бўлдилар.

Музокараларда Хитой Халқ Республикаси Томонидан Хитой Халқ Республикаси Давлат Кенгашининг Бош Министри ва Ташқи ишлар министри Чжоу Энь-лай, Хитой Халқ Республикаси Давлат Кенгаши Бош Министрининг ўринбосари, Хитой Халқ Республикаси Маршали Хэ Лун, Хитой Халқ Республикаси Ташқи ишлар министрининг ўринбосари Ван Цзя-сян, Хитой Халқ Республикасининг СССРдаги Фавқулодда ва Мухтор Элчиси Лю Сяо қатнашдилар.

Учрашувлар, суҳбатлар ва музокаралар астойдиллик, самимийлик ва дўстлик вазиятида ўтди.

1.

Ҳар иккала Томон кенг фикр олишув натижасида ҳозирги халқаро вазият ва муҳим халқаро масалалар тўғрисида тамомила бир фикрга келдилар. 1954 йилги Женева Кенгашидан кейин, 1955 йилда тўрт Давлат Ҳукуматлари Бошлиқларининг Кенгаши ҳамда Осиё ва Африка мамлакатларининг Бандунг Конференциясидан кейин халқаро вазиятда шу вазиятни юмшатишга томон очиқдан-очиқ мойиллик борлиги аниқланди, турли социал системадаги давлатларнинг бир-бирлари билан тинч-тотув яшаши керак деган идея одамларнинг онгига кундан-кунга тобора чуқуррок сингиб борадиган бўлиб қолди.

Бироқ, империалистик агрессив кучларнинг Мисрга ҳарбий ҳужум қилганликлари ва Венгрияда қўпорувчилик ишлари олиб борганликлари натижасида халқаро вазиятни юмшатишга бўлган мойиллик шу кучларнинг тўққинлигига ва бузғунчилик мақсадида қилаётган қаршилигига дуч келди. Миср ва Венгрия халқлари социалистик давлатларнинг ҳамда ер юзидаги бошқа тинчликсевар мамлакатлар ва миллатларнинг ёрдамига таяниб қаҳрамонона ва кескин кураш олиб бориш натижасида галабага эришдилар, Империалистик агрессив доираларнинг фитналари жуда қаттиқ маглубиятга учради. Бироқ, империалистлар бунга тоқат қилолмаётирлар, улар ўзларининг агрессив қўпорувчилик фаолиятларини давом эттирмоқдалар.

Фактлар шуни кўрсатадики, халқаро воқиаларнинг ривожланиши эгри-бўгри йўллар билан бормоқда. Ер юзидаги тинчликсевар халқларнинг ҳаммаси ҳамиша ҳушёр бўлиб туришлари ҳамда агрессив империалистик кучларнинг кирдикорларига карши изчиллик билан узоқ кураш олиб боришга тайёр бўлиб туришлари лозим.

Ҳар иккала Томон шуни таъкидлаб ўтадиларки, АҚШнинг монополистик гуруҳлари бошчилигидаги империалистик лагерь агрессия ва урушга тайёргарлик сиёсатини ўтказиб келаётганлиги ҳолда бунга қарама-қарши бўлган социалистик лагерь мамлакатлари бутун дунёда тинчликни давом эттириш ва ҳимоя қилиш сиёсатини изчиллик билан ўтказиб келмоқдалар. Шу билан бирликда Осиё ва Африкада кўпгина миллий мустақил давлатлар ва биринчи навбатда Ҳиндистон сингари улуғ давлат тинчлик ва бетарафлик сиёсатини қаттиқ туриб ўтказиб келмоқда. Европада ва ер юзининг бошқа районларида ҳам тинчлик ва бетарафлик учун курашаётган ёки тинчликка ва бетарафликка мойил бўла бошлаган давлатлар оз эмас. Ҳаммз қитъаларда урушга қарши тинчлик бўлишини талаб қилиб чиқаётган ижтимоий кучлар кундан-кунга кўпайиб бормоқда. Империализм лагерида ҳом ашё манбалари, товарларни сотишга керакли бозорлар ва таъсир доиралари учун кураш натижасида вужудга келаётган зиддиятлар ва низолар кундан-кунга чуқурлашиб ва кескинлашиб бормоқда. Сони кўп бўлмаган империалистик давлатларнинг агрессив кучларидан ташқари ер юзидаги халқларнинг ҳаммаси тинчликка муштоқдирлар ва урушга карши чиқмоқдалар.

Социалистик давлатлар, миллий мустақил мамлакатлар ва бошқа тинчликсевар мамлакатлар ҳамда халқларнинг бирлашган тинчлик кучлари агрессив империалистик блокларнинг кучларига нисбатан бир қанча баравар ортиқдир. Агрессив империалистик доираларнинг ҳар қандай қора ниятларини мутлако барбод қилмоқ учун барча тинчликсевар кучларнинг халқаро миқёсда ўз кучларини жипслаштириб, бирлаштириб ҳаракат қилишлари кифоя қилади.

2.

Ҳар иккала Томон шуни қайд қиладиларки, Англия, Франция ва Исроил Мисрга карши агрессия қилиб, маглубиятга учраганларидан кейин Америка империализми Яқин ва Ўрта Шарқда мустамлакани давлатларнинг — Англия ва Франциянинг ўрнини олмоқ, миллий мустақиллик учун олиб бориладиган ҳаракатни бостирмоқ ва шу мамлакатларнинг халқларини асоратга солмоқ учун шу аҳволдан фойдаланиб қолишга уринмоқда, шунингдек шу районда агрессия сиёсатини ҳамда урушга тайёрланиш сиёсатини жадаллик билан амалга оширишга интилмоқда.

«Эйзенхауэр доктринаси»нинг кўзлаган мақсади ҳам худди шунинг ўзидир. Яқин ва Ўрта Шарқ районида АҚШнинг бундай мустамлакачилик сиёсати олиб бораётганлиги яқиндагина Мисрга карши қилинган агрессия сабабли уруш ҳаракатлари майдони бўлиб турган бу районда яна кескин вазият тўғдирмоқда. Совет Иттифоқи ва Хитой Халқ Республикаси ҳукуматлари АҚШнинг бу сиёсатини қатъиян қоралайдилар ва агрессиянинг олдини олмоқ ҳамда бу район мамлакатларидаги ишларга аралашишга йўл қўймаслик учун Ўрта ва Яқин Шарқ Мисрдаги империалистик агрессиянинг оқибатларини батамом тугатиш мақсадида ҳар иккала Ҳукумат Миср Ҳукуматининг Англия, Франция ва Исроил агрессия ҳаракатлари натижасида етказилган заарини батамом тўлаб берсин, деб қилаётган ҳаққоний талабларини қондириш зарур, деб ҳисоблайдилар.

Ҳар иккала Ҳукумат Сувайш каналини «халқаро контроль» остига топшириш мақсадида империалистлар томонидан қилинаётган ҳар қандай ҳаракатларга қатъиян карши чиқадилар ва Сувайш каналида кемаларнинг бемалол қатновини таъминлаш масаласи Миснинг суверенитетини тўла равишда ҳурматлаш асосида манфаатдор мамлакатлар ўртасида музокаралар олиб бориш йўли билан ҳал қилиниши керак, деган фикрдадирлар.

ССР Иттифоқи ва Хитой Ҳукуматлари Осиё, Африка ва Латин Америкаси мамлакатларининг ва халқларининг мустамлакачиликка қарши кураши, ўз миллий мустақилликларини, суверенитетларини ва эркинликларини сақлаб қолиш ва ҳимоя қилиш, индустриал ривожланишга ва иқтисодий мустақилликка эришиш йўлидаги интилишларини батамом қўллаб-қувватлайдилар.

Урушга қарши, мустамлакачиликка қарши кураш олиб боришда, бутун дунёда тинчликни ҳимоя қилиш ишида социалистик давлатлар билан миллий мустақил мамлакатлар тинч-тотув яшашнинг беш принципига мувофиқ тўла равишда ҳамкорлик қилишлари мумкин. Фактлар мана шундай самимий ҳамкорлик ҳозирги халқаро ишларда муҳим роль ўйнаганлигини кўрсатди. Социалистик мамлакатларнинг миллий мустақил давлат бўлиб олган давлатлар билан дўстона ҳамкорлик қилишлари уларнинг ўзаро миллий манфаатларига ҳам, бутун дунёдаги тинчлик манфаатларига ҳам мос бўлиб тушади.

3.

Ҳар иккала Ҳукумат Делегациялари шуни қайд қиладиларки, империалистик агрессив блоклар миллий-озодлик ҳаракатини бостиришга интилиб ва ўз миллий мустақиллигига эришган давлатларга карши агрессия қилиб, социалистик мамлакатларда қўпорувчилик фаолиятини ўтказишга уринишдан воз кечмаётирлар. Венгриядаги қуролли исён империалистик агрессив доиралар ва Венгриядаги контрреволюцион унсурлар томонидан ташкил этилди, улар венгер меҳнаткашларнинг оммасининг ва ёшларининг аввалги раҳбарлар қилган хатоларидан норози бўлганликларидан фойдаландилар. Улар Венгрияда социалистик тузумни емириб ташлашга, фашистлар диктатурасини тиклашга ва шу тарика Европада уруш ўчоғи вужудга келтиришга уриндилар; улар Венгрияда қилган фитналари билан ўзларининг қора ниятларини рўёбга чиқармоқ — социалистик мамлакатларни бир-биридан ажратиб қўйиб, якка-якка равишда зарба бермоқ учун раҳна очишга уриндилар.

Венгрия социалистик Ишчи партияси ва Революцион Ишчи-Деҳқон Ҳукумати раҳбарлиги остида ва Совет Иттифоқининг ёрдами билан венгер халқи контрреволюцион кучларни тез тор-мор келтирганлиги тинчлик ва социализм ишининг катта галабаси бўлди.

Совет Иттифоқи венгер халқига контрреволюцион исённи тугатишда ёрдам кўрсатиш билан, венгер меҳнаткашлари ва бошқа социалистик мамлакатлар олдида ўзининг интернационал бурчини бажарди, бу эса бутун дунёда тинчликни ҳимоя қилиш манфаатларига ниҳоят даражада мос бўлиб тушди.

Кейинги вақтларда империалистик агрессив гуруҳлар совуқ муносабатлар урушини кучайтирмоқдалар ва Совет Иттифоқига карши, коммунизмга карши, тинчлик ишига карши қаратилган фитначилик фаолиятини олиб бормоқдалар. Бу қора ниятлар олдида хушёр бўлиб туриш зарур. Совет Иттифоқи ва Хитой барча социалистик мамлакатлар билан қардошларча дўстлик ва ўзаро ёрдамлашиш тўғрисидаги мажбуриятлар орқали боғлангандирлар. Империалистик агрессив кучларнинг социалистик мамлакатларни қўпоришга қаратилган ҳар қандай иғвогарлик ҳаракатлари энг кескин зарбага учрайди.

(ОХИРИ ИККИНЧИ БЕТДА)

Икки улуғ халқнинг дўстлиги абадий, бузилмасдир

Хитой Халқ Республикаси Ҳукумат делегациясининг Тошкентда бўлиши

19 январь эрта саҳарда Хитой Халқ Республикасининг ХХР Давлат Кенгаши Бош Министри ўртоқ Чжоу Энь-лай бошчилигидаги Ҳукумат делегацияси Ўзбекистон пойтахтига келди.

Хитой Халқ Республикаси, ССР Иттифоқи ва Ўзбекистон ССР Давлат байроқлари билан безатилган аэродромга вақт эрта бўлишига қарамай, меҳнаткашларнинг жуда кўп вакиллари тўпланди. Азиз меҳмонларни кутиб олмоқ учун Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси Ш. Р. Рашидов, Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг секретарлари Р. Е. Мельников, А. О. Алимов, республика Министрлар Совети раисининг биринчи ўринбосари М. Мирзаахмедов, Туркистон ҳарбий округи қўшинларининг қўмондони армия генерали А. А. Лучинский, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети раисининг ўринбосари ва ташқи ишлар министри Ғ. С. Султонов, республика Министрлар Совети раисининг ўринбосарлари Ё. С. Насриддинова, П. Сеитов, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми раисининг ўринбосари В. Я. Емцов, Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг секретари Қ. Муртазоев, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг секретари Ж. И. Илҳомова, Тошкент область партия комитетининг секретари С. Нуриддинов, Тошкент шаҳар партия комитетининг секретари Р. Ғ. Ғуломов, Тошкент шаҳар ижроия комитетининг раиси М. Т. Турсунов, СССР Олий Советининг депутатлари, республика министрлари, жамоат ташкилотларининг раҳбарлари етиб келдилар.

Маҳаллий вақт билан соат 5 дан 10 минут ўтганида «ТУ-104» реактив самолёти аэродромга келиб қўнади ва аэровокзалга қараб келади. Йиғилганлар самолётдан тушган Хитой Халқ Республикаси Давлат Кенгашининг Бош Министри ўртоқ Чжоу Энь-лайни, Бош Министр ўринбосари ўртоқ Хэ Лунни, шунингдек уларга Тошкентгача ҳамроҳ бўлиб келган Хитой Халқ Республикасининг СССРдаги Фавқулодда ва Мухтор Элчиси, Хитой Коммунистик партияси Марказий Комитетининг аъзоси ўртоқ Лю Сяони гулдурос, давомли қарсаклар билан табриклаб, кутиб оладилар. Меҳмонлар билан бирга Тошкентга СССР Ташқи ишлар министрининг ўринбосари Н. Т. Федоренко, СССРнинг ХХРдаги Фавқулодда ва Мухтор Элчиси П. Ф. Юдин, СССР Ташқи ишлар министрлиги Узоқ Шарқ бўлими мудирининг ўринбосари Н. П. Важнов, СССР Ташқи ишлар министрлиги Протокол бўлими мудирининг ўринбосари К. А. Кочетков ҳам келдилар.

Чжоу Энь-лай, Хэ Лун ва Лю Сяо ўртоқлар республика партия ва совет органларининг раҳбарлари билан дўстона қўл бериб кўришадилар. Фахрий қоровул бошлиғининг рапорти янграб эшитилади. Оркестр Хитой Халқ Республикаси, ССР Иттифоқи ва Ўзбекистон ССР Давлат гимнларини ижро этади.

Чжоу Энь-лай ва Хэ Лун ўртоқлар меҳнаткашларнинг аэровокзалда турган вакиллари олдига келадилар. Улар иккала улуғ халқнинг бузилмас дўстлиги шарафига, комил ишонч билан социалистик жамият қураётган Хитой Халқ Республикаси шарафига айтилган табрик сўзлари билан қутиб олинадилар.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг раиси Ш. Р. Рашидов меҳмонларга қарата нутқ сўзлайди. У республиканинг барча меҳнаткашлари номидан ХХР Ҳукумат делегацияси аъзоларини ва улар орқали улуғ хитой халқини самимий табриклайди. Бутун совет кишилари сингари ўзбек халқи ҳам хитой халқига қизғин муҳаббат, чуқур иззат-ҳурмат ва самимий ҳайрихоҳлик ҳислари билан тўлиб-тошгандир.

Ўртоқ Чжоу Энь-лай жавоб нутқи сўзлайди. У ўзининг ва ҳамроҳларининг Ўзбекистон республикаси пойтахтига келиш шарафига муяссар бўлганликлари муносабати билан хурсанд бўлганлигини изҳор қилади, самимий кутиб олинганликлари учун миннатдорчилик билдиради.

Ўртоқ Чжоу Энь-лай ўз нутқини Совет Иттифоқи билан Хитой халқлари ўртасидаги бузилмас ва абадий дўстлик шарафига табрик сўзлари айтиш билан тамомлайди. Йиғилганлар бу табрик сўзларини қизғин қарсаклар билан қутиб оладилар.

* * *

Чжоу Энь-лай, Хэ Лун ўртоқлар ва уларнинг ҳамроҳлари ўзлари учун ажратилган резиденцияда бироз дам олганларидан кейин Оржоникидзе районидаги «Қизил Ўзбекистон» колхозига бордилар.

Меҳмонлар колхоз правлениесида колхоз раҳбари, мўл ҳосил устаси Абдужамил Матқобулов билан учрашдилар. Ўртоқ Чжоу Энь-лай самимий вазиятда ўтган суҳбат вақтида колхоз ишлаб чиқаришнинг ташкил қилиниши билан, унинг экономикаси билан атрофлича қизиқди.

Колхоз раиси ХХР Ҳукумат Делегациясининг аъзоларига ахборот бериб айтдики, колхоз ўз ишида илғор агротехника асосида ва дала ишларини юксак даражада механизациялаштирганлиги туфайли ўтган йили пахта ҳосилини гектарига 42 центнерга етказди. Колхозда пахтачилик билан бир қаторда хўжаликнинг бошқа тармоқлари — чорвачилик, боғдорчилик, токчилик, пиллачилик, сабзавотчилик ҳам муваффақиятли ривожланмоқда. Колхознинг даромади ўтган йили 25 миллион сўмдан ошиб кетди.

Ўртоқ Чжоу Энь-лай Абдужамил Матқобуловнинг хўжаликка моҳирлик билан раҳбарлик қилаётганлиги учун Социалистик Меҳнат Қаҳрамони унвони олишга муяссар бўлганлигини билиб, уни муносиб олий мукофот билан самимий табриклади.

Суҳбат вақтида хитой халқининг вакиллари колхоз қишлоғининг маданияти билан қизиқдилар. Уларга колхоз экономикасининг мустаҳкамланиши билан бир қаторда колхозчиларнинг моддий фаровонлиги тез юксалиб бораётганлиги, уларнинг ҳаёти борган сари гўзал ва бадавлат бўлаётганлиги ҳақида сўзлаб берилди. Колхозда клуб, кутубхона, бир неча мактаб, бешта болалар боғчаси, меҳмонхона бор. Электр, радио, телефон пахтакорларнинг турмушига маҳкам сингиб қолди. Ҳозир колхоз маблағлари ҳисобига мактаб-интернат қурилмоқда.

Колхоз раиси меҳмонларни колхознинг хўжалиги билан танишиб чиқишга таклиф қилди. Чжоу Энь-лай ва Хэ Лун ўртоқлар бу таклифни қабул қилиб, колхоз боғини кўздан кечирдилар, чорвачилик фермасида бўлдилар.

Азиз меҳмонларга Ўзбекистонда бўлганликлари эсдалиги учун совға қилиб миллий кийимлар тақдим этилди.

Меҳмонлар колхоз аъзолари билан самимий хайрлашиб, аэропортга жўнаб кетдилар. 20 километр масофалик бутун йўл бўйида ХХР Ҳукумат Делегацияси аъзоларини меҳнаткашлардан мингларча киши қизғин табриклаб турди. Улар қизғин қарсаклар, самимий табрик сўзлари билан хитой халқларига бўлган ўз муҳаббат ва самимий ҳислерини изҳор қилдилар. Хитой халқлари совет халқи билан биргаликда инсониятнинг тинчлиги ва бахти-саодати учун қўлни-қўлга бериб курашмоқдалар.

Аэродромда меҳмонларни меҳнаткашлардан мингларча киши кутиб турган эди. Бу ерда хитой халқининг вакилларига қо йўл тилаб қолиш учун Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси Ш. Р. Рашидов, Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг секретарлари Р. Е. Мельников, А. О. Алимов, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари М. Мирзаахмедов, Туркистон ҳарбий округи қўшинларининг қўмондони армия генерали А. А. Лучинский, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари ва ташқи ишлар министри Ғ. С. Султонов, республика Министрлар Совети раисининг ўринбосарлари Ё. С. Насриддинова, П. Сеитов, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми раисининг ўринбосари В. Я. Емцов, Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг секретари Қ. Муртазоев, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг секретари Ж. И. Илҳомова, Тошкент область партия комитетининг секретари С. Нуриддинов, Тошкент шаҳар партия комитетининг секретари Р. Ғ. Ғуломов, Тошкент шаҳар ижроия комитетининг раиси М. Т. Турсунов, республика министрлари, СССР Олий Советининг ва Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутатлари, матбуот вакиллари келдилар.

Кузатиб қолувчилар орасида ХХРнинг СССРдаги Фавқулодда ва Мухтор Элчиси Лю Сяо, СССР Ташқи ишлар министрининг ўринбосари Н. Т. Федоренко, СССРнинг ХХРдаги Фавқулодда ва Мухтор Элчиси П. Ф. Юдин, СССР Ташқи ишлар министрлиги Протокол бўлими мудирининг ўринбосари К. А. Кочетковлар бор эди.

Чжоу Энь-лай, Хэ Лун ўртоқлар ва Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг раиси Ш. Р. Рашидов саф тортиб турган фахрий қоровул олдидан ўтадилар. Хитой Халқ Республикаси, Совет Иттифоқи ва Ўзбекистон ССР Давлат гимнларининг садолари тантанали янграйди. Меҳмонларга катта гулдасталар тақдим этилади.

Ш. Р. Рашидов микрофон олдига келиб бундай деди:

— Қадрли ўртоқ Чжоу Энь-лай, қадрли ўртоқ Хэ Лун, хитойлик ҳурматли дўстлар!

Биз, ўзбек халқи номидан хитой халқига самимий ҳурмат ҳисларимизни сизларга билдирмоқ учун бу ерга тўпландик. Биз Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси пойтахти Тошкент шаҳрига келганлигингиздан, колхозларимиздан бирида бўлганлигингиздан жуда хурсандмиз. ХХР Ҳукумат делегацияси аъзоларининг ўзбек халқининг турмуши билан, унинг меҳнат самаралари билан танишганликлари бизни қувонтирмоқда. Биз бор куч-гайратимизни бутун дунёда тинчликни мустаҳкамлаш учун, барча халқлар билан дўст бўлиб яшаш учун курашга бағишламоқдамиз. Биз улуғ хитой халқи билан бўлган дўстлигимизни айниқса ғайрат билан мустаҳкамлаймоқдамиз. Бу дўстлик ер юзидаги барча меҳнаткашлар тинчлиги ва осойишталигининг гаровидир.

Ўзбек халқи номидан хитойлик ҳамма қардошларимизга, улуғ дўстимиз ўртоқ Мао Цзэ-дунга оташин салом топширишингизни сўрайман. Биз хитой халқига янги ҳаёт қуришда чин қалбимиздан янги муваффақиятлар тилаймиз. **(Қарсаклар).**

ХХР Давлат Кенгашининг Бош Министри ўртоқ Чжоу Энь-лай нутқ сўзлайди.

— Қадрли ўртоқлар ва дўстлар!— деб мурожаат қилади у йиғилганларга. Биз визитимизни тугаллаб, Совет Иттифоқидан жўнаб кетаётган пайтда, Совет ҳукуматига ва совет халқига буюк мамлакатингизни келиб кўриш имкониятини берганликлари учун, тантанали суратда кутиб олганлигингиз ва самимий меҳмондўстлигингиз учун яна бир марта самимий ташаккуримизни изҳор қилишни истайман. Биз совет халқининг хитой халқига бўлган қардошларча дўстлик ҳислларини ҳамма жойда сезиб турдик. Биз ана шу бебаҳо азиз дўстлик ҳислларини ватандошларимизга албатта топширамиз.

Биз ўз визитимиз вақтида Совет Иттифоқининг раҳбар арбоблари билан музокаралар олиб бордик. Биз совет ишчилари, колхозчилари, студентлари, ҳарбий хизматчилари, маданият ва санъат ходимлари, физкультурачилар ва жамоатчиликнинг бошқа вакиллари билан учрашдик. Биз ҳамма жойда совет халқининг зўр ғайрат ва ишонч билан коммунизм қураётганлигини кўрдик.

Биз шу муҳим фактни айниқса қайд қилиб ўтамизки, ўзбек халқи пахта етиштиришда гоят катта муваффақиятларни қўлга киритган. У ўзининг ана шу катта хизмати учун яқинда муносиб ва шарафли мукофот—Ленин ордени олди.

Сизларни ана шу мукофот билан қутлашимга ва ўзбек халқига, бутун совет халқига коммунизм қуришдан иборат буюк ишда доимо янги муваффақиятларга эришиб туришни исташимга рухсат этгайсиз.

Яшасин буюк Совет Социалистик Республикалар Иттифоқи!

Яшасин Хитой ва Совет Иттифоқи халқларининг абадий, бузилмас қардошларча дўстлиги!

Яшасин Совет Иттифоқи бошчилигидаги социалистик мамлакатларнинг мустаҳкам бирлиги!

Яшасин бутун дунёда тинчлик! **(Гулдурос, давомли қарсаклар).**

Чжоу Энь-лай ва Хэ Лун ўртоқлар кузатиб қолувчилар билан ўртоқларча хайрлашадилар ва самолётга чиқадилар. Маҳаллий вақт билан соат 9 дан 55 минут ўтганда ҳаво кемаси осмонга парвоз қилади ва Афғонистон пойтахти Кобил шаҳрига қараб йўл олади. (ЎзТАГ).

Суратда: Хитой Халқ Республикаси Давлат Кенгашининг Бош Министри **Чжоу Энь-лай** ва Хитой Халқ Республикаси Давлат Кенгаши Бош Министрининг ўринбосари **Хэ Лунинг** Тошкент аэропортида кутиб олиниши. Микрофон олдида **Чжоу Энь-лай.**

А. Палехов фотоси.

СОВЕТ-ХИТОЙ ҚЎШМА ДЕКЛАРАЦИЯСИ

(БОШИ БИРИНЧИ БЕТДА)

4.

Томонлар яна шуни таъкидладиларки, турли социал системалардаги давлатларнинг тинч-тотув яшаши принципини амалга ошириш ҳар иккала мамлакат Ҳукуматлари ташқи сиёсатининг ўзгармас асосидир.

Ҳар иккала Томон шуни мамнуният билан қайд қиладиларки, Совет Иттифоқи ва Хитой тинч-тотув яшашнинг беш принципи асосида кўпгина давлатлар билан дўстлик ва ҳамкорлик муносабатларини ривожлантирмоқдалар ва шу тариқа бутун дунёда тинчликка ёрдам бермоқдалар.

Америка Қўшма Штатларига келганда, Совет Иттифоқи ва Хитой бу мамлакат билан ҳам тинч-тотув яшашга интилмоқдалар ва бу йўлда лозим бўлган ҳаракатларни қилдилар. Афсуски, Америка монополистик доираларининг жаҳонга ҳукмрон бўлиш йўлидаги даъволари, уларнинг агрессия ва урушга тайёрланиш сиёсати халқаро муносабатларни яхшилашга тўсқинлик қилмоқда ва Совет Иттифоқи билан АҚШ ўртасидаги муносабатларни, шунингдек Хитой билан АҚШ ўртасидаги муносабатларни яхшилашга айниқса тўсқинлик қилмоқда. Америка Қўшма Штатлари Хитой Халқ Республикасига нисбатан душманлик сиёсатини ўтказиб келмоқда. Бироқ, Хитой Халқ Республикаси, АҚШнинг душманлик сиёсатига қарамай, яшашни давом эттирибгина қолмасдан, шу билан бирга социалистик йўлда муваффақиятли равишда ривожланиб бормоқда, мустаҳкамланиб ва гуллаб-яшнаб бормоқда. АҚШнинг Хитой Халқ Республикасига нисбатан бундай нореалистик сиёсати бутун дунёда тинчлик манфаатларига жиддий зарар етказибгина қолмасдан, шу билан бирга Америка Қўшма Штатларининг ўзига ҳам заррача яхшилик келтирмайди.

Ҳар иккала Томон Совет-япон дипломатик муносабатларининг тикланганлигини табриклайдилар ва хитой-япон муносабатларини нормаллаштиришга янада ёрдамлашиш кун тартибига қўйилиши лозим деб ҳисоблайдилар. Японияниг Совет Иттифоқи ва Хитой билан дўстлигини ва ҳамкорлигини мустаҳкамлаш фақат СССР ва Хитой Халқ Республикасининг манфаатларигагина мос бўлиб тушмасдан, шу билан бирга япон халқининг ҳаётий манфаатларига ҳам мос бўлиб тушади.

Совет ва Хитой Ҳукумат Делегациялари шуни яна таъкидладиларки, улар немис, корейс ва вьетнам халкларининг ўз мамлакатларини тинчлик ва демократия асосида бирлаштиришга қаратилган ҳаракатларини қўллаб-қувватлайдилар.

Ҳар иккала Томон, бекик ҳарбий гуруҳларнинг ҳаммаси тугатилиб, уларнинг ўрнини коллектив тинчлик ва коллектив хавфсизлик системаси олиши лозим, деб ҳисоблайдилар. Варшава Шартномаси мудофаа учун тузилган ҳарбий иттифоқдир, Европадаги социалистик мамлакатлар агрессив ҳарбий Шимолий Атлантик пакти тузилганидан кейин Варшава Шартномасини тузишга мажбур бўлган эдилар. Варшава шартномасида қатнашувчи мамлакатлар Шимолий Атлантик пактини ва Варшава пактини тугатишни ва уларни Европада коллектив хавфсизлик тўғрисидаги шартнома билан алмаштиришни муттасил талаб қилиб келмоқдалар. Ҳар иккала мамлакат ҳукуматлари Манила ва Бағдод пактларини ҳам тугатишни ва бу пактларни Осиё ҳамда Тинч океан районида коллектив тинчлик тўғрисидаги шартнома билан алмаштиришни талаб қилмоқдалар.

Совет Иттифоқи ва Хитой Халқ Республикаси ҳукуматлари буюк давлатларнинг қуролсизланиш масаласида битимга келишлари ҳозирги халқаро вазият учун биринчи даражали аҳамиятга эга бўлади, деб ҳисоблайдилар. Хитой ҳукумати Совет ҳукуматининг қуролсизланиш тўғрисида 1956 йил 17 ноябрдаги таклифларини қувватлаганлигини билдиради ва шу таклифларнинг қабул қилиниши барча мамлакатлар ўртасида ҳамжиҳатлик ва ишонч ўрнатиш йўлида, тинчликни мустаҳкамлаш йўлида қўйилган муҳим қадам бўлур эди, деб ҳисоблайди. Ҳар иккала Ҳукумат қуролсизланиш тўғрисида инсониятнинг энг зарур ҳаётий манфаатларига мос бўлиб тушадиган битим тузилишига эришмоқ учун қўлларидан келган бутун чораларни кўрадилар.

5.

Социалистик мамлакатларнинг мустаҳкам бирлиги ва дўстона ҳамкорлиги социализм ишини ҳимоя қилишни ва бутун дунёда тинчликни мустаҳкамлашни таъминлайдиган ишончли гарантиядир. Империалистик агрессив доиралар социалистик мамлакатларга қарши қўпорувчилик ва иғвогарлик фаолиятларини кучайтириб бораётган ҳозирги шароитда социалистик мамлакатлар ўртасидаги бирликни ва ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш алоҳида катта аҳамиятга эга бўлиб қолмоқда.

Социализм мамлакатлари коммунизм идеяси ва иши билан бирлашгандирлар, шу сабабли улар ўртасидаги ўзаро муносабатлар марксизм-ленинизм таълимотига, пролетар интернационализми принципларига асосланади. Шу билан бирликда социалистик мамлакатлар мустақил ва суверен давлатлардир, улар ўртасидаги ўзаро муносабатлар ҳам миллий тенг ҳуқуқлиликнинг ленинча принциплари асосига қурилади. Социалистик мамлакатлар ўртасидаги бундай муносабатлар янги типдаги халқаро муносабатлардир. Бу муносабатлар энг олий манфаатларга бўйсундирилади — империализмга қарши курашнинг умумий ишида ғалаба қозониш, турли мамлакатларда социализм қуриш ишида ғалаба қозониш, коммунизмнинг тантанаси учун кураш умумий ишида ғалаба қозонишга бўйсундирилади. Ҳар иккала Томон шу принциплар асосида социалистик мамлакатлар бирлигини мустаҳкамлаш ва кучайтириш Совет Иттифоқи билан Хитойнинг олий интернационал бурчидир, деб ҳисоблайдилар.

Империалистларнинг социалистик мамлакатлар бирлигини қўпориш ва бузиш учун шовинизмдан, тор миллатчилик ҳисларидан ва миллий адоватнинг баъзи сарқитларидан фойдаланиш мақсадидаги макрли ниятларини оқибат натижада пуч бўлиб чиқадиган ниятлар деб ҳисобламоқ керак.

Социалистик мамлакатлар ўртасидаги ўзаро муносабатлар соҳасида тубли зиддиятлар ва манфаатларнинг тўқнашувлари бўлмайди ва бўлмаган. Гарчи ўтмишда уларнинг ўзаро муносабатларида баъзи хатолар ва камчиликлар рўй берган бўлса ҳам, бироқ, ҳозирги вақтда бу хатолар ва камчиликлар бартараф қилинмоқда ва тугатилмоқда. Бундан ташқари, бу хатолар ва камчиликлар социалистик мамлакатлар ўртасидаги муносабатларнинг энг муҳим ва асосий томонини — ўзаро ёрдамлашиш ва ҳамкорлик қилишни йўққа чиқаролмайди. Фактлар шуни кўрсатадики, социалистик мамлакатлар ўртасидаги ўзаро муносабатларга доир ҳар қандай масалалар саммий маслаҳатлашиш ва ўзаро муҳокама қилиш йўли билан бирлик асосида тўла равишда ҳал қилиниши мумкин. Социалистик мамлакатларнинг бирлигини ва уларнинг ўзаро муносабатларида ҳар қайси айрим-айрим мамлакатнинг мустақиллигини бир-бирига тўғри қўшиб олиб бориш бемалол мумкин.

Совет Иттифоқи билан Хитойнинг дўстлиги ва бирлиги социалистик давлатлар улуғ бирлигининг жуда муҳим факторидир. Ҳар иккала Томон шуни зўр мамнуният билан қайд қиладиларки, СССР билан Хитой ўртасида дўстлик, иттифоқ ва ўзаро ёрдамлашиш тўғрисидаги Шартнома 1950 йилда тузилган пайтдан бери ҳар иккала мамлакат ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорлик муносабатлари гоят ривожланиб кетди, ҳар иккала мамлакат халқлари абадий бир бутун бўлиб жипслашдилар. Кейинги бир неча йил ичидаги фактлар Совет Иттифоқи билан Хитойнинг улуғ иттифоқи ҳамда ҳар иккала мамлакатнинг бузилмас бирлиги бутун дунёда тинчликнинг зўр таянчи эканлигини кўрсатмоқда.

Совет Иттифоқи билан Хитой бундан буён ҳам сиёсий, иқтисодий ва маданий соҳаларда ҳар иккала мамлакат ўртасидаги ўзаро ёрдамлашиш ва ҳамкорлик қилиш муносабатларини ҳар томонлама ривожлантирадилар, социалистик мамлакатлар бирлигини ҳимоя қилиш ва мустаҳкамлаш ишида куч ва ғайрат сарфлашни давом эттирадилар, бутун дунёда мустаҳкам тинчлик учун олиб борилаётган курашда барча тинчликсевар мамлакатлар ва халқларнинг ҳаракатларини бирлаштиришни давом эттирадилар.

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи Министрлар Советининг Раиси
Н. А. БУЛГАНИН

Хитой Халқ Республикаси Давлат Кенгашининг Бош Министри ва Ташқи Ишлар Министри
ЧЖОУ ЭНЬ-ЛАЙ

Москва, 1957 йил 18 январь.

Хитой Халқ Республикаси Элчихонасида ўтказилган қабул вақтида сўзланган нутқлар

Хитой Халқ Республикасининг СССРдаги Элчиси Лю Сяо 17 январда Хитой Халқ Республикаси Элчихонасида Давлат Кенгашининг Бош Министри Чжоу Энь-лай бошчилигидаги ХХР Ҳукумат Делегацияси шарафига қабул маросими ўтказди. Қабул маросимида нутқлар сўзланди.

Хитой Халқ Республикаси Давлат Кенгашининг Бош Министри Чжоу Энь-лай меҳмонларни табриклади ва СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Ўртоқ К. Е. Ворошиловнинг соғлигига қадаҳ кўтарди. Оркестр Совет Иттифоқи Гимнини ижро этди.

СССР Министрлар Советининг Раиси Н. А. Булганин Хитой Халқ Республикасининг Раиси Ўртоқ Мао Цзэ-дун соғлигига қадаҳ кўтарди ва унга узоқ умр, сиҳатсаломатлик ва ўзининг давлат ишларидаги тарихий фаолиятида муваффақиятлар тилади. Оркестр Хитой Халқ Республикаси Гимнини ижро этди.

Шундан кейин Хитой Халқ Республикаси Давлат Кенгашининг Бош Министри Чжоу Энь-лай шу ерда ҳозир бўлган кишиларга қарата қуйидагиларни айтди:

— Бу йил — Октябрь революциясининг қирқинчи йили. Совет давлати ташкил этилганига қирқ йил тўлади. Совет Иттифоқи дунёда биринчи социалистик давлатдир. Совет Иттифоқи тўплаган тажриба ва эришган муваффақиятлар кўп нарсадан дарак беради. Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 40 йиллиги шарафига шу ерда ҳозирдаёқ қадаҳ кўтаришга ижозат бергайсиз. СССР Министрлар Советининг Раиси Ўртоқ Н. А. Булганининг соғлиғи ва узоқ умр кўриши учун ва Совет Иттифоқининг бундан буён ҳам муваффақиятларга эришуви учун қадаҳ кўтаришга ижозат бергайсиз. **(Қарсаклар).**

СССР Министрлар Советининг Раиси Н. А. Булганин Чжоу Энь-лайнинг Совет Иттифоқи ва совет халқи шаънига айтган яхши сўзлари учун зўр миннатдорчилик билдирди.

— Сиз,— деди Н. А. Булганин,— Совет давлатимизнинг қирқ йиллиги муносабати билан бизни табриклединг из. Ана шу кун ноябрь ойида нишонланса ҳам, биз Сизнинг табригингизни мамнуният билан қабул қиламиз ва ана шу табрик учун Сизга миннатдорчилик билдирамиз. 40-йил келди ва биз ноябрь ойигача албатта яшаймиз ва ноябрь йиллигини ҳар қачонгидек байрам қиламиз ва ҳатто бу байрамни яна ҳаширок ўтказамиз. Биз ҳозирги табрикни албатта эсда тутамиз. Бизлар улуғ байрамимизни биргаликда кутиб олсак яна яхши бўлади.

Энди улуғ хитой халқининг отоқли давлат арбоби, бизнинг қадрдон дўстимиз Ўртоқ Чжоу Энь-лайга ўз туйғуларимизни изҳор қилишга ижозат бергайсиз. **(Қарсаклар).**

Н. А. Булганин сўзини давом эттириб бундай деди:

— Ўртоқ Чжоу Энь-лай, Сиз билан учрашиш имкониятига эга бўлганлигимиздан ва Сизни ҳамда Сиз билан бирга Совет Иттифоқига келган бошқа меҳмонларни — Хэ Лун, Ван Цзя-сян Ўртоқларни, Хитой Халқ Республикасининг ҳурматли Элчиси Лю Сяони табриклашимиз билан ва Сиз орқали улуғ хитой халқини табриклашимиз билан жуда хурсандмиз.

Н. А. Булганин ХХР Давлат Кенгашининг Бош Министри Ўртоқ Чжоу Энь-лай соғлигига қадаҳ кўтарди ва шу ерда ҳозир бўлган барча кишилар номидан, барча совет кишилари номидан унга сиҳат-саломатлик, узоқ умр ва ўз фаолиятида муваффақият тилади. **(Қарсаклар).**

Шундан кейин Хитой Халқ Республикаси Давлат Кенгашининг Бош Министри Чжоу Энь-лай нутқ сўзлади.

— Дўстлар ва Ўртоқлар! Ўртоқ Мао Цзэ-дун Октябрь революцияси тўпларининг садолари марксизмни бизгача олиб келди, деган эди. Хитой революцияси Совет Иттифоқидан намуна олиб ўз кучларини уюштирганидан кейингина, Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг тажрибасини ўрганиб, бу тажрибани Хитойдаги конкрет вазият билан қўшиб олиб борганидан кейингина ғалаба қилди. Шу сабаблан биз Совет Иттифоқига унинг раҳбарлик роли учун ташаккур изҳор қиламиз. Шу сабабдан биз, Хитой коммунистлари социалистик йўлдан бориб ғалаба қозонмоқламиз, деб айтамиз.

Мен Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Биринчи Секретари Н. С. Хрушчевнинг соғлиги ва унинг узоқ умр кўришини истаб қадаҳ кўтаришни таклиф этаман. **(Қарсаклар).**

Ўртоқ Н. С. Хрушчев нутқ сўзлади.

Ўртоқ Н. С. Хрушчев нутқи

Қадрли ўртоқлар, дўстлар!

Бизнинг бугунги учрашувимиз баҳор байрамини эслатадиган катта байрамдир. Бир идеядаги кишилар бир-бирлари билан дўстона учрашиб, ошкора, саммий гаплашган ва ўз фикрлари бирга қўшилиб кетганлигини ҳис этаётгандан ҳам яхшироқ нарса бўлиши мумкинми. Баъзи кишилар Хрушчев ўз нутқида халқаро империализмга таҳдид ўтмаслиги мумкин эканлигига таажжубланса ҳам, мен бу нутқимда халқаро империализм ва унинг планлари ҳамда кирдикорлари тўғрисида гапирмоқчи эмасман. **(Залда жонланиш. Қарсаклар).** Бундай қилиш енгил иш эмаслигини эътироф этишим керак: ана шу темага тўхталиб ўтмаслик учун кучли ирода керак. Аммо, бугунги дўстона учрашувимиз шу қадар яхши ва шу қадар қувончлики, уни империализм тўғрисидаги гаплар билан дилимизни ҳира қилишни истамайман. **(Залда жонланиш. Қарсаклар).**

Кейинги вақтларда Ғарбда бизни сизлар «сталинчиларсиз» деб айблайдилар. Биз бунга жавобан кўп марта айтдикки, биз англаган маънодаги «сталинчи» сўзини ҳам, Сталиннинг ўзини ҳам коммунист деган улуғ номдан ажратиш мумкин эмас. Гап революция иши тўғрисида, синфий душманларимизга қарши революцион кураш да пролетариатнинг синфий манфаатларини ҳимоя қилиш тўғрисида борганда, Сталин марксизм-ленинизм ишини мардона ва қатъият билан ҳимоя қилди. Биз Сталинни ёмон коммунист деб танқид қилганимиз йўқ. Биз уни баъзи масалаларда йўлдан тойганлиги, салбий ҳислатлари учун, жиддий хатоларга йўл қўйганлиги учун танқид қилдик. Ана шу салбий ҳислатларни ҳаммадан олдин Ленин пайқаган эди. Владимир Ильич, Сталиннинг ана шу камчиликлари ва хатоларини кўрсатган эди. Аммо, Сталин ўз хаётининг сўнгги даврида Ленининг танбеҳларини эсидан чиқариб қўйди. Сталининг ишимизга зарар етказган хатолари ва йўлдан тойишлари яхши эмас, албатта. Аммо, Сталин хатолар қилиб, қонуннинг бузилишига йўл қўйган вақтда ҳам, революциянинг ғалабаларини, социализм ишини ҳимоя қилиш манфаатларини кўзлаб шундай қилаётирман деб, чуқур ишонган эди. Сталиннинг фожиаси ана шунда эди. Энг асосий ва энг муҳим нарса,.. эса — марксистлар-ленинчилар учун энг асосий ва энг муҳим нарса ишчилар синфининг манфаатларини, социализм ишини ҳимоя қилишдан марксизм-ленинизм душманларига қарши кураш олиб боришдан иборат — ҳар бир коммунист Сталин курашгани каби кураш олиб бора билса, жуда соз бўлар эди. **(Гулдурос қарсаклар).**

Коммунизмнинг мухолифлари «сталинчи» деган сўзни жўртага ўйлаб чиқардилар ва бу сўзни ҳақоратли сўзга айлантирмоқчи бўладилар. Ўз хаётини ишчилар синфининг манфаатлари йўлида ва унинг жанговар авангарди бўлган Ленин партияси манфаатлари йўлида революцион курашга бағишлаган биз ҳаммамиз, марксчи-ленинчилар Сталин номини марксизм-ленинизмдан ажратмаймиз. Шу сабабдан ҳар биримиз, Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг аъзолари марксизм-ленинизм ишига, ишчилар синфининг манфаатлари учун кураш ишига Сталин каби содиқ бўлишни истаймиз. **(Қарсаклар).**

Коммунизм душманлари Сталиннинг камчилик ва хатолари тўғрисидаги танқидимизни рўкач қилиб, бу танқиддан ўз мақсадлари учун фойдаланишга уриндилар. Улар Сталиннинг шахсига сиғиниш ҳақидаги танқидни тузумимизнинг асосларига қарши, марксизм-ленинизм асосларига қарши йўналтирмоқчи бўлдилар. Аммо жаноблар, бу ишингдан ҳеч нарса чиқмади ва чиқмайди! Киши ойнасиз ўз қулоғини кўролмагани сингари, сизлар ҳам бунинг удасидан чиқолмайсиз! **(Кулги, Қарсаклар).**

Икки буюк социалистик давлат делегацияларининг учрашувини нишонлаш билан биз, ана шу учрашувни баҳор байрами деб, қардош халқларимиз ўртасидаги абадий бузилмас дўстликни мустаҳкамлаш ва гуллаб-яшнатиш байрами деб, ҳақли суратда атай оламиз. Бу, улуғ бирлик байрамидир, чунки бизнинг қарашларимиз, бизнинг фикрларимиз бирдир, ишчилар синфи ишининг ғалабаси учун, социализм ва коммунизм ишининг ғалабаси учун охиригача курашишга қарор бергамиз. Биз марксизм-ленинизм таълимотига амал қиламиз. Бу, совет халқини хитой халқи билан, Совет Иттифоқи Коммунистик партиясини Хитой Коммунистик партияси билан қон-қардош қилувчи асосий нарсадир.

Биз бугун марксизм-ленинизм тантанасини нишонлаётганимизда, бу ҳол бизнинг ана шу тузумга қарши зўрлик чоралари кўришимиз натижасида рўй беради, деб ҳеч қачон даъво қилган эмасмиз ва бундай деб даъво қилмаймиз. Капитализмгача бўлган ижтимоий формациялар ўз даврини тамомлаб, тарихий тараққиёт жараёнида вужудга келган янги ижтимоий формацияларга ўз ўрнини бўшатиб бериб ҳалок бўлгани каби, ички кучларнинг кураши натижасида капиталистик тузумнинг тарих саҳнасидан чиқиб кетажагига аминмиз. Масалан, одам қариганидан кейин ўлиши, ҳомиладор аёлнинг туғиши муқаррар бўлгани каби, капиталистик тузумнинг ҳалокати ҳам муқаррардир. Янги нарса туғилади, эски нарса йўқолади. Биз, ўз мамлакатларимизда социализм ва коммунизм қуриш соҳасидаги фаолиятимиз билан янгиликнинг тезликда ғалаба қилишига маълум даражада ёрдам берамиз, албатта. Намуна кучи — буюк кучдир. **(Гулдурос қарсаклар).**

Мен қардош Хитой Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Биринчи Секретари Н. С. Хрушчевнинг соғлиги ва унинг узоқ умр кўришини истаб қадаҳ кўтаришни таклиф этаман. **(Қарсаклар).**

Ўртоқ Н. С. Хрушчев нутқ сўзлади.

Ўртоқ Н. С. Хрушчев нутқи

Қадрли ўртоқлар!

Бизнинг бугунги учрашувимиз баҳор байрамини эслатадиган катта байрамдир. Бир идеядаги кишилар бир-бирлари билан дўстона учрашиб, ошкора, саммий гаплашган ва ўз фикрлари бирга қўшилиб кетганлигини ҳис этаётгандан ҳам яхшироқ нарса бўлиши мумкинми. Баъзи кишилар Хрушчев ўз нутқида халқаро империализмга таҳдид ўтмаслиги мумкин эканлигига таажжубланса ҳам, мен бу нутқимда халқаро империализм ва унинг планлари ҳамда кирдикорлари тўғрисида гапирмоқчи эмасман. **(Залда жонланиш. Қарсаклар).** Бундай қилиш енгил иш эмаслигини эътироф этишим керак: ана шу темага тўхталиб ўтмаслик учун кучли ирода керак. Аммо, бугунги дўстона учрашувимиз шу қадар яхши ва шу қадар қувончлики, уни империализм тўғрисидаги гаплар билан дилимизни ҳира қилишни истамайман. **(Залда жонланиш. Қарсаклар).**

Кейинги вақтларда Ғарбда бизни сизлар «сталинчиларсиз» деб айблайдилар. Биз бунга жавобан кўп марта айтдикки, биз англаган маънодаги «сталинчи» сўзини ҳам, Сталиннинг ўзини ҳам коммунист деган улуғ номдан ажратиш мумкин эмас. Гап революция иши тўғрисида, синфий душманларимизга қарши революцион кураш да пролетариатнинг синфий манфаатларини ҳимоя қилиш тўғрисида борганда, Сталин марксизм-ленинизм ишини мардона ва қатъият билан ҳимоя қилди. Биз Сталинни ёмон коммунист деб танқид қилганимиз йўқ. Биз уни баъзи масалаларда йўлдан тойганлиги, салбий ҳислатлари учун, жиддий хатоларга йўл қўйганлиги учун танқид қилдик. Ана шу салбий ҳислатларни ҳаммадан олдин Ленин пайқаган эди. Владимир Ильич, Сталиннинг ана шу камчиликлари ва хатоларини кўрсатган эди. Аммо, Сталин ўз хаётининг сўнгги даврида Ленининг танбеҳларини эсидан чиқариб қўйди. Сталининг ишимизга зарар етказган хатолари ва йўлдан тойишлари яхши эмас, албатта. Аммо, Сталин хатолар қилиб, қонуннинг бузилишига йўл қўйган вақтда ҳам, революциянинг ғалабаларини, социализм ишини ҳимоя қилиш манфаатларини кўзлаб шундай қилаётирман деб, чуқур ишонган эди. Сталиннинг фожиаси ана шунда эди. Энг асосий ва энг муҳим нарса,.. эса — марксистлар-ленинчилар учун энг асосий ва энг муҳим нарса ишчилар синфининг манфаатларини, социализм ишини ҳимоя қилишдан марксизм-ленинизм душманларига қарши кураш олиб боришдан иборат — ҳар бир коммунист Сталин курашгани каби кураш олиб бора билса, жуда соз бўлар эди. **(Гулдурос қарсаклар).**

Коммунизмнинг мухолифлари «сталинчи» деган сўзни жўртага ўйлаб чиқардилар ва бу сўзни ҳақоратли сўзга айлантирмоқчи бўладилар. Ўз хаётини ишчилар синфининг манфаатлари йўлида ва унинг жанговар авангарди бўлган Ленин партияси манфаатлари йўлида революцион курашга бағишлаган биз ҳаммамиз, марксчи-ленинчилар Сталин номини марксизм-ленинизмдан ажратмаймиз. Шу сабабдан ҳар биримиз, Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг аъзолари марксизм-ленинизм ишига, ишчилар синфининг манфаатлари учун кураш ишига Сталин каби содиқ бўлишни истаймиз. **(Қарсаклар).**

Коммунизм душманлари Сталиннинг камчилик ва хатолари тўғрисидаги танқидимизни рўкач қилиб, бу танқиддан ўз мақсадлари учун фойдаланишга уриндилар. Улар Сталиннинг шахсига сиғиниш ҳақидаги танқидни тузумимизнинг асосларига қарши, марксизм-ленинизм асосларига қарши йўналтирмоқчи бўлдилар. Аммо жаноблар, бу ишингдан ҳеч нарса чиқмади ва чиқмайди! Киши ойнасиз ўз қулоғини кўролмагани сингари, сизлар ҳам бунинг удасидан чиқолмайсиз! **(Кулги, Қарсаклар).**

Икки буюк социалистик давлат делегацияларининг учрашувини нишонлаш билан биз, ана шу учрашувни баҳор байрами деб, қардош халқларимиз ўртасидаги абадий бузилмас дўстликни мустаҳкамлаш ва гуллаб-яшнатиш байрами деб, ҳақли суратда атай оламиз. Бу, улуғ бирлик байрамидир, чунки бизнинг қарашларимиз, бизнинг фикрларимиз бирдир, ишчилар синфи ишининг ғалабаси учун, социализм ва коммунизм ишининг ғалабаси учун охиригача курашишга қарор бергамиз. Биз марксизм-ленинизм таълимотига амал қиламиз. Бу, совет халқини хитой халқи билан, Совет Иттифоқи Коммунистик партиясини Хитой Коммунистик партияси билан қон-қардош қилувчи асосий нарсадир.

Биз бугун марксизм-ленинизм тантанасини нишонлаётганимизда, бу ҳол бизнинг ана шу тузумга қарши зўрлик чоралари кўришимиз натижасида рўй беради, деб ҳеч қачон даъво қилган эмасмиз ва бундай деб даъво қилмаймиз. Капитализмгача бўлган ижтимоий формациялар ўз даврини тамомлаб, тарихий тараққиёт жараёнида вужудга келган янги ижтимоий формацияларга ўз ўрнини бўшатиб бериб ҳалок бўлгани каби, ички кучларнинг кураши натижасида капиталистик тузумнинг тарих саҳнасидан чиқиб кетажагига аминмиз. Масалан, одам қариганидан кейин ўлиши, ҳомиладор аёлнинг туғиши муқаррар бўлгани каби, капиталистик тузумнинг ҳалокати ҳам муқаррардир. Янги нарса туғилади, эски нарса йўқолади. Биз, ўз мамлакатларимизда социализм ва коммунизм қуриш соҳасидаги фаолиятимиз билан янгиликнинг тезликда ғалаба қилишига маълум даражада ёрдам берамиз, албатта. Намуна кучи — буюк кучдир. **(Гулдурос қарсаклар).**

Мен қардош Хитой Коммунистик партияси шарафига, унинг раҳбарлари шарафига, Марказий Комитетнинг Сиёсий бюроси шарафига, Мао Цзэ-дун, Лю Шао-ци, Чжоу Энь-лай, Чжу Дэ, Чэнь Юнь, Дэн Сяо-пин, Хэ Лун Ўртоқлар шарафига, Хитой Коммунистик партияси Марказий Комитети Сиёсий бюросининг ҳамма аъзолари шарафига қадаҳ кўтаришни таклиф этаман. Биз улар билан биргаликда марксизм-ленинизмнинг ғолибона йўлидан олға бормоқдамиз ва олға борамиз. **(Гулдурос, давомли қарсаклар).** (ТАСС).

СССР Министрлар Советининг Раиси Н. А. Булганин ҳузурида ХХР Давлат Кенгашининг Бош Министри Чжоу Энь-лай бошчилигидаги Хитой Халқ Республикаси Ҳукумат делегацияси шарафига қабул маросими

СССР Министрлар Советининг Раиси Н. А. Булганин 18 январда кечқурун Катта Кремль Саройида Хитой Халқ Республикаси Давлат Кенгаши Бош Министри Чжоу Энь-лай бошчилигидаги Хитой Халқ Республикаси Ҳукумат делегацияси шарафига қабул маросими ўтказди.

Қабул маросимида Хитой Халқ Республикаси Давлат Кенгашининг Бош Министри Чжоу Энь-лай, Бош Министр ўринбосари Маршал Хэ Лун, ХХР Ташқи ишлар министрининг ўринбосари Ван Цзя-сян, ХХРнинг СССРдаги Фавқулодда ва Мухтор Элчиси Лю Сяо, шунингдек ХХР Ҳукумат делегациясининг ҳамроҳлари ҳозир бўлдилар.

Қабул маросимида совет томонидан К. Е. Ворошилов, Л. М. Каганович, Г. М. Маленков, А. И. Микоян, М. З. Сабуров, Н. С. Хрушчев, Д. Т. Шепилов, Е. А. Фурцева, Н. М. Шверник, П. Н. Поспелов Ўртоқлар, СССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосарлари М. П. Тарасов ва А. Сариев, СССР Олий Совети Иттифоқ Советининг Раиси П. П. Лобанов, СССР Олий Совети Миллатлар Совети Раисининг ўринбосари П. Т. Комаров, СССР Олий Совети Президиумининг Секретари А. Ф. Горкин, РСФСР Министрлар Советининг Раиси М. А. Яснов, СССРнинг ХХРдаги Элчиси П. Ф. Юдин, СССР Министрлари, СССР Олий Советининг Депутатлари, Совет Иттифоқи Маршаллари, Совет Армиясининг генераллари, Москва Совети Ижроия комитетининг раиси Н. И. Бобровников, жамоат ташкилотлари, марказий муассасалар ва бошқармаларнинг раҳбарлари, бир қанча министрликларнинг масъул ходимлари, фан ва маданият арбоблари, совет ва чет эл журналистлари ҳозир бўлдилар.

Меҳмонлар орасида СССРдаги дипломатия ваколатхоналарининг бошлиқлари, Элчихоналар ва Миссияларнинг ходимлари бор эди.

Қабул маросимида Хитой Халқ Республикасининг Раиси Ўртоқ Мао Цзэ-дун ва СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Ўртоқ К. Е. Ворошилов соғлигига қадаҳ кўтарилди. Оркестр СССР ва ХХР Давлат гимнларини ижро этди.

СССР Министрлар Советининг Раиси Н. А. Булганин хитойлик дўстларга ва шу ерда ҳозир бўлган ҳамма меҳмонларга қарата нутқ сўзлади.

Ўртоқ Н. А. Булганин нутқи

Қадрли Ўртоқ Чжоу Энь-лай!
Ҳурматли меҳмонлар!
Ўртоқлар! Дўстлар!

Ўртоқ Чжоу Энь-лай бошчилигидаги Хитой Халқ Республикаси Ҳукумат делегациясини шу ерда ҳозир бўлган барча кишилар номидан, ҳукумат, партия номидан ва бутун совет халқимиз номидан табриклашга ижозат бергайсиз.

Хитойлик Ўртоқлар Москвада бўлган вақтда биз улар билан музокаралар олиб бордик. Бу музокаралар саммий дўстлик ва Ўртоқларча ҳамжиҳатлик вазиятида ўтди.

Музокараларда актуал халқаро проблемалар юзасидан ва ҳар иккала мамлакатимиз ўртасидаги ўзаро муносабатлар масалалари юзасидан тўла ҳамжиҳатлик борлиги ва фикрларнинг бир хил эканлиги аниқланди.

Бугун биз Ҳукумат делегациялари ўртасидаги музокараларнинг натижалари тўғрисидаги Қўшма Баёнотни имзолаймиз.

Бу Баёнот сиёсий ва тарихий жиҳатдан катта аҳамиятга эга бўлган ҳужжатдир. Бу Баёнотда социалистик мамлакатлар ўртасидаги ҳозирги муносабатларни характерлайдиган ғояларнинг ҳаммаси акс эттирилган. Бу муносабатлар коммунизм учун, тинчлик ва халқлар бахти учун курашдан иборат улуғ мақсад билан жипслашган тенгҳуқуқли давлатлар ўртасидаги муносабатлардир.

Халқаро вазият бир мунча юмшашган даврдан кейин ҳозирги вақтда Осиё, Африка ва Европадаги вазият яна кескинлашганлигини кўрамиз. Маълумки, бу аҳвол Англия, Франция ва Исроилнинг Миср га қарши агрессив ҳаракатлари натижасида, Венгрияда исён уюштирган империалистларнинг қўпорувчилик ишлари ва «Эйзенхауэр доктринаси» натижасида рўй берди. «Эйзенхауэр доктринаси» Америка монополияларининг араб Шарқидаги янги босқинчилик йўлини эълон қилди.

Империалистларнинг Яқин ва Ўрта Шарқдаги мустақил мамлакатларга қарши, социалистик тараққиёт йўлига ўтган мамлакатларга қарши қилаётган хуружига жавобан биз социалистик лагердаги мамлакатларни янада кўпроқ жипслаштиришимиз, бутун дунёда тинчлик учун, миллий мустақиллик учун курашаётган кучларни янада кўпроқ уюштиришимиз лозим.

Социализм мамлакатларининг бирлиги бундан буён ҳам муваффақият қозонишимизнинг ҳал қилувчи шарти ва тинчликнинг буюк факторидир.

Ҳозирги вақтдаги асосий вазифа—тенг ҳуқуқлилик асосларида дўстликни ривожлантиришдан, социалистик лагердаги мамлакатларнинг бирлигини мустаҳкамлашдан, тинчлик йўлидаги курашда барча мамлакатларнинг кучларини уюштиришдан иборат.

Дунёдаги икки буюк халқ—совет ва хитой халқларининг дўстлиги ва ҳамкорлиги ташқи ва ички вазифаларимиз ҳар қанча мураккаб ва қийин бўлса ҳам бу вазифаларни шубҳасиз ҳал этишимизнинг гаровидир.

Мен совет ва хитой халқларининг дўстлиги ва ҳамкорлиги учун қадаҳ кўтаришни таклиф этаман!

Хитой Халқ Республикасининг янада гуллаб-яшнаши ва мустаҳкамланиши учун!

Хитой Давлат Кенгашининг Бош Министри Ўртоқ Чжоу Энь-лайнинг соғлиги учун!

Хитой Ҳукумат делегацияси шарафи учун!

Хитой Халқ Республикаси Давлат Кенгашининг Бош Министри Чжоу Энь-лай жавоб нутқи сўзлади.

Ўртоқ Чжоу Энь-лай нутқи

Қадрли Ўртоқ Министрлар Советининг Раиси!
Қадрли Ўртоқлар ва дўстлар!

Делегациямизнинг Совет Иттифоқига қилган ҳозирги визити вақтида Совет ҳукумати ва совет халқи бизни тантанали суратда ва саммиият билан кутиб олди. Биз ҳамма ерда улуғ совет халқининг хитой халқига нисбатан қардошларча дўстлигини ҳис этдик. Мен шу фурсатдан фойдаланиб, Совет ҳукуматига ва совет халқига яна бир марта саммий ташаккур изҳор қиламан.

Шу, 1957 йилда Улуғ Октябрь революциясига 40 йил тўлади. Совет халқи шонли Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг раҳбарлиги остида жуда катта қийинчиликлари бартараф қилиб, биринчи социалистик давлатни барпо қилди ва ҳозирги вақтда голибона суратда коммунистик жамиятни қурмоқда. Совет Иттифоқи социализм қурилишида Хитойга ва бошқа социалистик мамлакатларга жуда катта ёрдам кўрсатди. Совет Иттифоқи бутун дунёдаги мазлум халқлар ва қарам мамлакатларнинг ўз мустақиллиги йўлидаги курашини, ер юзидаги халқларнинг тинчликни сақлаш ва мустаҳкамлаш йўлидаги курашини гоят қўллаб-қувватлади ва бу курашга муҳим ҳисса қўшди. Улуғ совет халқининг 40 йил мобайнида эришган муваффақиятларининг жаҳоншумул аҳамиятини камситиб кўрсатиш ва ундан кўз юмиш мумкин э

Н. А. Булганин ва А. И. Микоян ўртоқларнинг Ўзбекистонда бўлиши

ҚАРШИ, 19 январь. (ЎзТАГ). Тожикистон ва Туркманистонга бораётган СССР Министрлар Советининг раиси Н. А. Булганин ва СССР Министрлар Совети раисининг биринчи ўринбосари А. И. Микоян бугун бу ерга келдилар.

Қашқадарё области меҳнаткашларидан минглаб кишилар уларни кутиб олмоқ учун тўпландилар. Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг раиси С. К. Камолов, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг Секретари З. Р. Раҳимбобоева, Тожикистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Т. У. Ўлжабоев, Тожикистон ССР Министрлар Советининг раиси Н. Г. Додхудоев, Ўзбекистон Компартияси Қашқадарё область комитетининг биринчи секретари М. Ғуломов, Қашқадарё область ижроия комитетининг раиси А. Раҳматуллаев ва бошқа партия ҳамда совет раҳбар ходимлари Қарши аэродромига етиб келдилар.

Москва вақти билан соат ўн учда «ТУ-104» самолёти аэродромга қўнади. Н. А. Булганин ва А. И. Микоян ўртоқлар самолётдан чиқишлари билан аэродромга тўпланганлар уларни гулдурос қарсаклар билан кутиб оладилар. Пионерлар уларга гулдасталар тақдим қиладилар.

Ўртоқ Н. А. Булганин Қарши шаҳар меҳнаткашларига қарата нутқ сўзлаб бундай деди:

— Қадрли ўртоқлар!

Биз сизларга Москванинг биринчи саломини (**қарсаклар**), москваликларнинг саломини, Марказий Комитетимизнинг ва Совет ҳукуматимизнинг саломини топшириш имконятига эга бўлганлигимиздан жуда хурсанмиз. (**Гулдурос қарсаклар**).

Ўртоқ Н. А. Булганин сўнгра, ўртоқ А. И. Микоян ўз нутқларида бу ерга йўлланганларга самимий қарши олганликлари учун миннатдорчилик изҳор қилдилар ва улаётга муваффақиятлар тиладилар.

Бироздан сўнг Н. А. Булганин, шунингдек Тожикистон, Қирғизистон, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Т. У. Ўлжабоев, Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг раиси С. К. Камолов ва Тожикистон ССР Министрлар Советининг раиси Н. Г. Додхудоев тушган самолёт Сталинобода қараб учди. Улар билан деярлик бир вақтда ўртоқ А. И. Микоян ва унинг ҳамроҳлари самолётда Ашхабодга учиб кетдилар.

ХИТОЙ ВА СОВЕТ ИТТИФОҚИ ХАЛҚЛАРИНИНГ БУЗИЛМАС ДЎСТЛИГИ ТЎҒРИСИДА КИТОБ

Чет эл адабиёти нашриёти «Хитой ва Совет Иттифоқи халқлари дўстлигининг қисқача тарихи» номли китобни рус тилида нашр этди. Китобни хитой тарихшуноси Пин Мин ёзган. Автор хитой ва совет манбаларидан кенг фойдаланиб, Совет Иттифоқи ва Хитой халқларининг улуғ дўстлиги ва ҳамкорлиги қандай қилиб ташкил топганлиги, ўсганлиги ва мустаҳкамланиб борганлиги ҳақида ёзади. Эндиликда совет ва хитой халқларининг коммунизм идеяларига садоқат билан жиспланган, тенг ҳуқуқлилик ва ўзаро ёрдам бузилмас принципларига асосланган қудратли иттифоқи тинчлик, демократия ва социализм лагерининг мустаҳкам таянчидир. (ТАСС).

Совет Иттифоқи орден ва медалларини топшириш

18 январда СССР Олий Совети Президиуми Раисининг Ўринбосари ва Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси Ш. Р. Рашидов Тошкент шаҳри корхона ва муассасаларидаги ишчи ва хизматчиларнинг катта бир группасига Совет Иттифоқи орден ва медалларини топширди. Орден ва медалларни топшириш вақтида Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг секретари Ўртоқ Р. Е. Мельников, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми раисининг Ўринбосари Ўртоқ В. Я. Емцов, Ўзбекистон КП Тошкент область комитетининг секретари Ўртоқ С. Нуриддинов, Ўзбекистон КП Тошкент шаҳар комитетининг секретари Ўртоқ Р. Ғуломов ва бошқалар ҳозир бўлдилар.

Ленин ордени олганлар орасида завод мастери А. Иброҳимов, Тошкентдаги пайпоқ-трикотаж фабрикасининг иш ўровчиси Н. Каримжонова, «Таштекстильмаш» заводининг шлифовкачиси Х. Лутфуллаевалар бор.

Меҳнат Қизил Байроқ ордени олганлар орасида ўтга бардош берадиган буюмлар заводининг хумдончиси К. Абдумуродов, экскаватор заводининг пармаловчиси Д. Умарова, ёғочсозлик заводининг дурадгори Ш. Шомансуров, Ўзбекистон КП Октябрь район комитетининг биринчи секретари Ш. Исломовлар бор.

Ишлаб чиқариш илғорларининг катта бир группасига «Ҳурмат Белгиси» орденлари ва медаллар топширилди.

110-ўрта мактаб директори Е. Ф. Ермолаева, «Художник Ўзбекистана» артели правлениесининг раиси Ш. Ғойибжонова, «Ўзбексельмаш» заводининг мастери А. Василенко мукофотланганлар номидан гапириб, мамлакатимизнинг оддий меҳнаткашлари тўғрисида қилинаётган катта ғамхўрлик учун Коммунистик партияга ва Совет ҳукуматига ташаккур изҳор қилдилар.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси Ўртоқ Ш. Р. Рашидов мукофотланганларни орден ва медаль олганликлари билан табриклади ва уларга меҳнат соҳасида янги муваффақиятлар тилади.

* * *

19 январда СССР Олий Совети Президиуми Раисининг Ўринбосари ва Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси Ш. Р. Рашидов адабиёт, матбуот ва санъат ходимларига орден ва медаллар топширди.

Ўзбекистон Ёзувчилари союзининг биринчи секретари С. Азимов, шоир Ғафур Ғулом, «Правда Востока» газетаси редакторининг ўринбосари П. Савчук мукофотланганлар номидан гапириб, кўрсатилган ишончни оқлаймиз, ўз олдимизда турган вазифаларни шараф билан бажарамиз, деб Коммунистик партияни ва Совет ҳукуматини ишонтирадилар.

Ўртоқ Ш. Р. Рашидов орден ва медаль олувчиларни самимий табриклайди, уларнинг ижодий ишида янги муваффақиятлар тилайди.

Воронеж областига Ленин ордени топширилди

ВОРОНЕЖ, 18 январь. (ТАСС). Бугун Воронеж шаҳри катта байрам тусини олган. Унинг кейинги йиллар ичида меҳнаткашлар томонидан қурилган янги чиройли бинолари қизил байроқлар ва транспарантлар билан безатилган. Бугун воронежликлар учун тарихий кун ҳисобланади—областга Ленин ордени топширилади.

Воронеж областига Ленин ордени топшириш каби қувончли воқеага бағишлаб бугун меҳнаткашлар депутатлари Воронеж область Совети ва КПСС область комитетининг қўшма тантанали мажлиси бўлди.

Тантанали мажлис қатнашчилари КПСС Марказий Комитети Президиумининг аъзоси, СССР Министрлар Совети Раисининг Биринчи ўринбосари Ўртоқ В. М. Молотовнинг, область партия ва совет ташкилотлари раҳбарларининг залда пайдо бўлишини қизғин қарсаклар билан кутиб оладилар. Мажлисни область ижроия комитетининг раиси Ўртоқ В. Н. Корнеев очди.

Ҳозир бўлганлар СССР Олий Совети Президиумининг Воронеж областини Ленин ордени билан мукофотлаш тўғрисидаги фармонини зўр эътибор билан тингладилар. Ўртоқ В. М. Молотов область сазовор бўлган мукофотни—ҳукумат олий мукофотини топширган вақтда залда тўпланганлар узоқ ва қизғин қарсак чалдилар. Ўртоқ В. М. Молотов айтдики, Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи Олий Совети Президиуми Воронеж областини Коммунистик партия XX съездининг чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни ва давлатга топширишни кўпайтириш тўғрисидаги қарорларини муддатидан илгари бажариш соҳасида ташаббус кўрсатганлиги ҳамда ўз зиммасига олган мажбуриятларни муваффақиятли бажарганлиги учун мукофотлади. Шу билан бирга областдаги чорвачилик илғорларидан, қишлоқ хўжалик мутахассисларидан, партия ва совет ходимларидан икки мингдан кўпроқ киши СССР орден ва медаллари билан мукофотланди.

Ўртоқ В. М. Молотов область меҳнаткашларини олий мукофот билан қутлади. Бу мукофот меҳнат соҳасида янги муваффақият ва зафарларга чақиради.

Ўртоқ В. Н. Корнеев ва область партия комитетининг биринчи секретари Ўртоқ А. М. Школьников Ленин орденини қабул қилиб ола туриб Ўртоқ В. М. Молотов билан самимий қўл бериб кўришадилар, дўстларча қучоқлашиб, бир-бирларини ўпадилар.

Гулдурос қарсаклар тингач, Абрамов районидаги Жданов номли колхознинг раиси, Ленин ордени билан мукофотланган П. И. Пономарев, Панин районидаги Сталин номли колхознинг звено бошлиғи, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Ўртоқ А. М. Черних, Павлов районидаги Ворошилов номли колхоз чўчқачилик фермасининг мудири Ўртоқ В. М. Алехин, Шишов МТСининг директори Ўртоқ М. Ф. Тимашова, Лиманов районидаги 44-наслчилик совхозининг сут соғувчиси Ўртоқ М. И. Федотова, синтетик каучук заводининг аппаратчиси Ўртоқ И. Я. Илларионов, Воробьев район партия комитетининг секретари Ўртоқ М. М. Мамонов нутқ сўзладилар.

— Ишчилар синфининг, колхозчи деҳқонларнинг, қишлоқ хўжалик мутахассисларининг, партия ва совет ходимларининг шу тантанали мажлисда қатнашаётган вакиллари номидан, областнинг барча меҳнаткашлари номидан ССР Иттифоқи Олий Совети Президиумига, СССР Министрлар Советига ва партиямиз Марказий Комитетига қишлоқ хўжалик ходимларининг меҳнатига юксак баҳо бериб, Воронеж областини олий мукофот — Ленин ордени билан мукофотлаганликлари учун чуқур миннатдорчилик ва самимий ташаккур изҳор қилишга менга рухсат этгайсиз,— деди область партия комитетининг биринчи секретари Ўртоқ А. М. Школьников. — Областимизнинг меҳнаткашлари ўз меҳнатларига берилган ана шу юксак баҳони оқлаш ва қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни янада кўпайтириш ишида янги муваффақиятларга эришиш учун бор кучларини сарфлайдилар. Сўнгра Ўртоқ А. М. Школьников қишлоқ хўжалик меҳнаткашларининг муваффақиятлари ва келгуси иш планлари ҳақида сўзлаб берди.

Йиғилганлар томонидан самимий кутиб олинган Ўртоқ В. М. Молотов тантанали мажлисда катта нутқ сўзлади.

Ўртоқ В. М. Молотов нутқи

Азиз ўртоқлар!

Совет давлатининг олий мукофоти — Ленин ордени билан мукофотланган Воронеж областининг меҳнаткашларини Олий Совет Президиуми, Министрлар Совети ва партиямиз Марказий Комитети номидан қизғин ва самимий табриклайман. (**Қарсаклар**).

Колхозчиларнинг, МТС ва совхоз ходимларининг, қишлоқ хўжалик мутахассисларининг, партия ва совет ташкилотларининг ҳамда чорвачиликни юксалтиришда актив қатнашган, чорвачиликни ва қишлоқ хўжалигининг бошқа тармоқларини юксалтириш учун курашда яхши намуна ва ажойиб ўрнак кўрсатган ҳамма кишиларнинг ташаббускорлик билан қилган катта ишлари натижасидир.

Сизлар бундан буён ҳам ўз ғайратингизни бўшаштирмаслигингизга, балки зўр қатъият ва чинакам маҳорат билан, зўр ғайрат кўрсатиб ва ишнинг кўзини тобора яхшироқ билиб, чорвачиликни, шунингдек дон хўжалигини юксалтиришда, қишлоқ хўжалигининг ҳамма тармоқларида маҳсулот етиштиришни кўпайтириш ишида янгидан-янги муваффақиятларга эришувингизга, шу билан бирга, бу вазифанинг муваффақиятли ҳал этилиши совет халқининг фаровонлигини юксалтириш учун муҳим аҳамиятга эга эканлигини эсингизда тутишингизга ишонч билдиришга ижозат берингиз. (**Қарсаклар**).

Совет Иттифоқи уруш натижасида етказилган оғир жароҳатларни даволаб, халқ хўжалигини юксалтиришнинг янги катта йўлига кирди. Халқимизнинг тинч меҳнати йиллари — социалистик хўжалик тобора ўсиб бораётган йиллардир, Ватанимиз фаровонлиги ва маданияти юксалиб бораётган йиллардир. Биз бой социалистик тажрибамизга амал қилиб, шу нарсага ишониш билан бирга шуни яхши биламизки, биз бугун эришолмаган нарсага, синалган ленинча йўлдан бориб, эртага эришаоламиз. (**Гулдурос қарсаклар**).

Эндигина 1956 йил тугади. Совет саноати ва қишлоқ хўжалиги шу вақт ичида олға томон янги ва муҳим қадамлар қўйди.

Саноатни олиб кўрайлик. Ўтган йилги планда саноат маҳсулоти ишлаб чиқаришни 10,5 процент кўпайтириш кўзда тутилган эди, ҳақиқатда эса маҳсулот ишлаб чиқариш 1956 йилда 11 процент кўпайди. Бундай ишда бир процент ҳам ва ҳатто ярим процент ҳам муҳим, чунки бу қолда бир процентнинг ўзи қариб 5 миллиард 2,5 миллиард сўмни ташкил этади. Ёлғиз ўтган йилнинг ўзида саноат маҳсулоти ишлаб чиқаришни 11 процент кўпайтиришнинг нима эканлиги қуйидагидан кўринib турибди. Революциядан илгариги Россиядаги бутун саноат маҳсулоти ўтган йилдаги саноат маҳсулоти йиллик планининг 3 процентидан сал кўпроғига баравар келар эди. Демак, ўтган йил саноат маҳсулоти ишлаб чиқаришнинг 11 процент ўсганлигининг ўзи революциядан илгариги Россияда бутун саноат бир йил ичида ишлаб чиқарган маҳсулотнинг умумий ҳажмига нисбатан уч баравардан ҳам кўпдир. Мана шу фактлар саноатимизнинг қандай юксалишда эканлигини кўрсатиб турибди. Сизлар ўтган йил қишлоқ хўжалигида эришилган ажойиб муваффақиятларни ҳам биласиз. Шуни айтиш кифояки, ўтган йил давлатимиз аввалги йилдагига қараганда бир миллиард пуддан кўпроқ дон олди. Эски Россия қишлоқ хўжалигининг бундай буюк муваффақиятлари ҳақида орзу ҳам қиролмас эди. Биз совет, социалистик тузум шароитида яшаётганлигимиз учун ҳам бу муваффақиятларга эришиш мумкин бўлди. Қўриқ ерларнинг ўзлаштирилиши, демак, қўриқ ерларни ўзлаштириш ва шу ерларда мўл ҳосил олиш йўлида муваффақиятли равишда ишлаган кишилар ҳам бу ишда муҳим ва ҳал қилувчи роль ўйнади. Давлат дон запаслари кўпайган ва қишлоқ хўжалигининг янада муваффақиятлар қозонишини умид қилиш мумкин бўлган ҳозирги вақтда биз ўзимизни дадил ҳис қилишимиз ва табиийки, хушчаҳчаҳ сезишимиз мумкин. (**Залда жонланиш. Қарсаклар**).

Муваффақиятлар ҳақида гапирганда мавжуд камчиликларни ва қийинчиликларни ҳам унутмаслигимиз керак. Биз уйжой қурилишида кейинда қолдик, жуда кейинда қолдик. Ишчилар ҳаққоний равишда бизга буни эслатмоқдалар. Бу соҳада ишни кескин суратда тузатиб олиш керак.

Бизнинг қишлоқларимизда уй-жойга эҳтиёж катта. Мен ҳозирча, Воронеж яқинидаги иккита колхозга бора олдим, холос. Ҳар иккала колхозда ҳам бизларга колхозчилар учун яқиндагина, ўтган йил қурилган ўнларча янги уйларни кўрсатдилар. Аммо бу иш эндигина авж олдирилаётир ва жиддий ёрдамга муҳтож. Биз бу ишни амалга оширганимиздан кейин муваффақиятларимиз янада тез кўпайиб боради. (**Қарсаклар**).

Ишчилар билан деҳқонларнинг буюк ленинча иттифоқи (**қарсаклар**), ишчилар синфи билан колхозчи деҳқонларнинг социализм байроғи остида жиспланганлиги (**қарсаклар**), муваффақиятларимизнинг асоси, халқ хўжалигини тобора юксалтиришнинг асоси, халқимиз кучларини ва мамлакатимизнинг қудратини зўр бериб ўстиришнинг асоси бўлиб келди, асоси бўлиб келмоқда ва асоси бўлиб қолади. Революция вужудга келтирган бу бузилмас иттифоқ мамлакатимиздаги алоҳида социалистик миллатларнинг кўп миллионлаб кишиларини бирлаштирмоқда ва, шу билан бирга СССР халқларининг бутун улуғ оиласини мислсиз даражада жиспластирди. (**Қарсаклар**).

Мамлакатимиз социалистик қудратининг ва социалистик маданиятининг ўсиб бораётганига ҳаммамиз қувонамиз. Бу нарса халқимизни руҳлантиради, унинг фаровонлигини янада юксалтириш учун ва турмушимизда ҳали ҳам мавжуд бўлган қийин масалаларни ҳал этиш учун шароит яратиб беради, эртанги кунга қатъий ишонч туғдиради.

Биз бошқа мамлакатлар билан бўлган муносабатларимизда тинчликни ва халқлар ўртасида дўстликни мустаҳкамлаш манфаатларига амал қиламиз. Совет Иттифоқи ўзининг тинчликсевар сиёсатига тамомила содиқдир. Биз ҳеч кимга таҳдид қилмаймиз. Совет давлати босқинчилик сиёсатини, агрессив планлар ва мустамлакачилик сиёсатини инкор қилади. Совет Иттифоқи тинчликни қаттиқ туриб ҳимоя қилади ва халқаро кескинликни камайтиришга эришиш учун ҳаракат қилади. (**Қарсаклар**). Шу билан бирга Совет Иттифоқи империалистик давлатларнинг кирдикорларига қарши ҳушёрлик сақламоқда. Албатта, биз шу нарсани ҳисобга олмаслигимиз мумкин эмаски, империалистлар янги босқинчилик урушларининг режаларини тузмаганларида ва зўр бериб қуролланишни давом эттирмаганларида эди, улар империалист бўлмаган бўлур эдилар. Агрессив империалистик доиралар мустаҳкам тинчлик ўрнатилишини хоҳламайдилар. Уларнинг агрессив интилишлари халқлар орасида тобора кўпроқ қораланаётган бўлса ҳам, улар халқаро кескинликнинг камайишидан роят даражада қўрқмоқдалар.

Яқин ва Ўрта Шарқ харитасига назар солинглиз. Кейинги йилларда бу жойлардаги аҳвол ёмонлашмоқда. Совет Иттифоқи Яқин ва Ўрта Шарқда босқинчилик планларини амалга оширмоқчи деб бемаъни гаплар айтилмоқда. Ваҳоланки, Совет Иттифоқининг айби фақат шуки, у шу районда ўз миллий мустақиллиги ва эркинлиги учун курашаётган ҳамда мустамлакачилик йиртқичларидан бирортасининг ҳам чангалига яна тушиб қолишни истамаётган халқларга ўзининг ғайрихоҳлигини ва ўзининг самимий ҳислларини яширмаётир, буни ҳамма билади. (**Қарсаклар**).

Равшандирки, Яқин ва Ўрта Шарқ халқлари Америка империализмининг бу райондаги янги планлари тўғрисида катта ташвишга тушмоқдалар. Мисрга қарши шармандали агрессив уруш бошлаган Англия, Франция ва Исроилнинг яқинда мағлубиятга учраганлиги Америка империализми учун етарли сабоқ бўлмаганга ўхшайди. Лекин мустамлакачилик замони тарихининг қора ўтмишида абадий қолиб кетганлигини тушунмай, бу районда мустамлакачиликнинг бир формасини бошқа формаси билан, мустамлакачиликнинг янги формаси билан алмаштиришга интилаётган давлатлар учун ҳар қандай янги «доктриналар» янги мағлубиятлардан бошқа ҳеч бир натижа бермайди.

Герман милитаризмини қайта тиклашга қаратилган янги планлар билан ҳам ҳисоблашмаслик мумкин эмас. Шимолий атлантик блоки (НАТО) тарафдорлари Ғарбий Германияни қуроллантиришни жадаллаштириш устига яна Ғарбий Германияда тузилаётган қуролли кучларни атом қуроли билан ҳам таъминлаш тўғрисида ўзларининг Париждаги кенгашларида қарор қабул қилганликларга атиги бир ойгина бўлди. Биз ана шу ўзгаларнинг қўли билан жанжал чиқариш ҳаваскорларини яхши биламиз.

Бошқа миллион-миллион совет кишилари сингари Воронеж шаҳри ва Воронеж областининг меҳнаткашлари ҳам яқиндагина оғир вақтни бошларидан ўтказганлар, улар гитлерчиларнинг босқинчилигини ҳеч қачон унутмайдилар, албатта. Лекин герман халқи фашистларнинг ҳокимияти остида индамай яшайдиган ва оқибат натижада жаҳон урушларини бошлаган кучларнинг қуроли бўлиб қолган вақтлар ўтиб кетганлигини империалист жаноблар энди тушунib олишлари керак эди. Совет Иттифоқи билан Германия Демократик Республикаси ўртасида яқинда Москвада бўлиб ўтган музокаралар эндиликда герман халқи орасида ҳам бошқа тинчликсевар кучлар билан бирликда тинчликни қаттиқ туриб ҳимоя қилаётган ва Совет Иттифоқи билан бирликда тинчлик ишини қаттиқ туриб сақлаб қолишга тайёр бўлиб турган кучлар воғга етганлигини яна бир марта кўрсатди. (**Гулдурос қарсаклар**).

Партиямизнинг XX съезди иккинчи жаҳон урушидан кейин халқаро вазиятда тубли ўзгаришлар бўлганлиги тўғрисида ўзининг қатъий сўзини айтди. Халқимиз бу урушда жуда катта қурбонлар берди, лекин унинг фидокорона кураши, шу билан бирликда, жаҳон империализмининг агрессив позицияларини заифлантиришга кўп жиҳатдан ёрдам берди.

Бир вақтлар Совет Иттифоқи тинчлик ва социализм ишини якка ўзи ишчиллик билан ҳимоя қилаётган бирдан-бир мамлакат эди. Шундан бери аҳвол батамом ўзгарди. Иккинчи жаҳон урушидан кейин жаҳон капитализм системаси билан бир қаторда жаҳон социализм системаси барпо бўлди. Европа ва Осиёнинг бир қанча давлатлари, шу жумладан улуғ Хитой ҳам халқимиз бошлаб берган йўлдан, социализм йўлидан бордилар. Ўзининг миллий мустақиллигини, меҳнаткашларнинг эркинлигини ва туб манфаатларини чинакам ҳимоя қила оладиган бу давлатларнинг ҳаёти эндиликда бутун инсониятнинг қарийб 1/3 қисмини ташкил қилади. Совет Иттифоқи тинчлик ва социализм ишини ҳимоя қилиб, эндиликда олға томон якка ўзи эмас, балки бошқа социалистик давлатлар билан **бирликда** бормоқда. Совет Иттифоқи билан Европа ва Осиёдаги социалистик мамлакатлар ўртасида ўзаро ёрдамлашиш алоқалари ривожланмоқда, пролетар интернационализмининг марксча-ленинча принципларини ҳақиқатан эътироф қилишга таянувчи дўстлик ва энг яхши ҳамжиҳатлик мустаҳкамланмоқда. Социализм мамлакатлари бир-бирларига ёрдамлашмоқдалар ва социалистик мамлакатларнинг олға боришидаги умумий саф бузилишига йўл қўймаслик учун, социалистик давлатлар ҳамкорлиги мустаҳкамланмоқда ва уларнинг умумий муваффақиятига улуғ мақсад бўлган коммунизм сари биргаликда олға боришларига ёрдам бермоқи учун заифроқ мамлакатлар ўзларининг дўстларидан лозим бўлган мададни ўз вақтида олиб туришлари тўғрисида ғамхўрлик қилмоқдалар. (**Давомли қарсаклар**).

Кейинги вақтлардаги фактлар пролетар интернационализми революцион принципларининг аҳамиятини яққол кўрсатди. Бу революцион принциплар барча социалистик мамлакатларга йўл кўрсатувчи негиздир ва уларнинг эркинлиги ҳамда миллий мустақиллигини таъминламоқ учун гоят катта аҳамиятга эгадир. Биз бунда халқ демократик Венгриясида бўлиб ўтган воқиаларни эсга оламиз. Яқинда у ерда капитализмни тиклаш, помешчиклар ва капиталистлар ҳокимиятини қайтадан ўрнатиш мақсадида контрреволюцион исён қилишга зўр бериб уриниб кўрилди. Ташқи империалистик кучларнинг планлари асосида активлашган ва софдил венгерларнинг кўпини ёлғон ваъдалар билан гангитиб қўйган хортичилар шайкасининг бу муваффақиятсиз хуружи Венгрияни Европада урушнинг янги ўчоғига айлантирмоқчи бўлганлар томонидан ташкил қилинди. Лекин бу хуруж, табиийдирки, социалистик лагерь мамлакатларининг жуда зўр қаршилигига дуч келди. Жаҳон социализм системасининг кучлари нақадар ўсганлиги ва мустаҳкамланганлиги, социализм нақадар зўр куч бўлиб жиспслашганлиги ва ишчилар синфи билан меҳнаткашларнинг туб манфаатларини ҳимоя қилиш, халқаро социализм манфаатларини ҳимоя қилиш лозим бўлганида пролетар интернационализми улуғ принципларининг ўсиб бораётган аҳамияти нақадар катта эканлиги Венгрия мисолида яққол кўринди.

Империализм позицияларининг заифланганлигини бошқа фактлар ҳам кўрсатиб турибди. Социалистик мамлакатлардан ташқари Осиёдаги, шунингдек Африкадаги бир қанча давлатларни ҳам ўз ичига олган «тинчлик зонаси» барпо бўлгандиги ҳам буни кўрсатиб турибди. Кечагина мустамлака қарамлигида турган Ҳиндистон, Бирма, Индонезия, Миср, Сурия ва бошқа шулар сингари мамлакатлар эндиликда мана шу кенг тинчлик зонасига кирган мамлакатлардир. Бу давлатлар империалистик давлатларнинг агрессив планларини қувватлашдан бош тортибгина қолмасдан, шу билан бирликда тинчликни ҳимоя қилиш, халқлар ўртасидаги дўстликни мустаҳкамлаш керакligини тобора қатъият билан талаб қилмоқдалар. Албатта, империализм кучлари шу мамлакатлардан бирортасининг бўйнига сиртмоқ солиш йўлидаги ўзларининг уринишларини тўхтатаётганлари йўқ ва шу мамлакатларнинг тараққиётини ўзларининг ёвуз манфаатларига бўйсундиришга қайта-қайта ҳаракат қилмоқдалар, лекин социализм мамлакатлари ҳам шу халқларнинг эҳтиёжларига ғамхўрлик билан қарамоқдалар ва уларнинг миллий эркинлик ва мустақиллик учун курашига амалда имкон борича мадад бермоқдалар. Шу мамлакатларнинг халқлари ҳам буни тобора кўпроқ тушуниб қабул қилиб олмасликлари мумкин эмас. Мана шуларнинг ҳаммаси тинчлик тарафдорларининг кучларини мустаҳкамлашда ва халқлар ўртасида нормал муносабатларни таъминлаш ва ривожлантириш манфаатларига хизмат қилмоқда. Мана шуларнинг ҳаммаси биз совет кишиларини ва мамлакатимизнинг ўзини ҳам ҳаяжонлантирмоқда. Ҳаётнинг ўзи ва ҳаётнинг ривожланиши ва ўзгаришлари ҳаётимизнинг ҳаракатлантирувчи кучидир. Ҳаётнинг ривожланиши ва ўзгаришлари ҳаётимизнинг ҳаракатлантирувчи кучидир. Ҳаётнинг ривожланиши ва ўзгаришлари ҳаётимизнинг ҳаракатлантирувчи кучидир.

Мен Воронеж областидаги айрим колхозлардагина бўлишга муваффақ бўлдим, лекин маккажўхори учун курашаётган Пуставалова, Насонова, Горлова ўртоқлар сингари, сут соғувчи Кульнева, Орехова ўртоқлар сингари, чўчқа боқувчи ўртоқ Нестерова, зоотехник ўртоқ Тарасова сингари фидокорона ишлаётган отоқли меҳнаткашларнинг бир қанчалари билан учрашдим. Улар ва улар каби бошқа кўпгина колхоз активлари ва илғорлари ўзларининг қаҳрамонона меҳнатлари билан бутун дунё халқлари олдида давлатимизнинг обрўйини ва қувватини кундан-кунга оширмоқдалар. Биз мамлакатимизнинг мудофаасини мустаҳкамлаш тўғрисида ва армиямиз тўғрисида муттасил ғамхўрлик қилмоқдамиз, лекин заводлардаги ва колхозлардаги қаҳрамон меҳнаткашларимиз шу кунларнинг ўзидаёқ душманларимизнинг макрлик планларига, агрессив империалистларнинг планларига ўзларининг меҳнат қила бериб бақувват бўлиб кетган миллионлаб ва ўн миллионлаб қўллари билан ҳар кун зарба бериб турилиб, ўзларининг қилаётган ишлари билан зарба бериб турилиб, жаҳондаги кучларнинг нисбатини меҳнаткашлар фойдасига, социализм фойдасига тобора кўпроқ ўзгартирмоқдалар. (**Қарсаклар**).

Бизнинг синфий душманларимиз Совет Иттифоқининг заифланишини, ишчилар билан колхозчилар иттифоқининг заифланишини, индустриямизнинг ва айниқса оғир саноатимизнинг ўсиши сусайишини истайдилар, колхозлар ва совхозларнинг тушкунликка тушиб қолишини, партиямиз бирлигининг бузилишини истайдилар, лекин уларнинг умидлари қайта ва қайта пуч бўлиб чиқмоқда. Биз бўлсак реакционерларнинг бу истакларини чиппакка чиқариб тобора мустаҳкамланмоқдамиз, бизнинг кучларимиз ўсмоқда. мамлакат оғишмай юксалиб бормоқда, халқ фаровонлиги ошмоқда. Биз бор қийинчиликларни енгиб ўзимиз танлаб олган йўлдан дадил бўлиб олга бормоқдамиз. (**Гулдурос қарсаклар**).

Биз Совет давлати бир қанча республикаларнинг, ўлкалар ва областларнинг халқ хўжалигини ривожлантиришдаги катта хизматларини тақдирлаётган кунларда яшамоқдамиз. Бугун биз бир қисм республикалар ва областларнинг хизматларини тақдирлаётган эканмиз, эртага эса бошқаларга ҳам навбат келиб қолади. Совет давлатида ҳеч ким бир-биридан кейинда қолишни истамайди—социализмнинг енгилмас кучи ҳам шундадир. Мусобақа эндигина авж олиб келмоқда. Мана шуларнинг ҳаммаси халқимизни ва ҳар қайсимизни янги муваффақиятларга, янги қаҳрамонона меҳнатларга руҳлантириши лозим. (**Қарсаклар**).

Воронеж области қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда, аниқроқ қилиб айтганда чорвачиликни ривожлантиришда кейинги вақтда катта муваффақиятларга эришган меҳнаткашларнинг шонли отрядларидан биридир. Бу соҳада қилинган хизматлар фақат Воронеж области меҳнаткашларини ва сизларнинг энг яқин дўстларингизнигина қувонтириб қолмасдан, шу билан бу хизматларни бутун совет халқи ҳам сизлар билан бирликда қувониб тақдирламоқда. (**Қарсаклар**).

Воронеж области меҳнаткашлари, масалан шу нарса билан фахрланишга ҳақлидирларки, улар биргина ўтган йилнинг ўзида ҳар бир сигирдан соғиб олинаётган сутни аввалги йилдагига нисбатан 859 килограмм миқдорида кўпайтирдилар. РСФСРнинг бошқа биронта области соғилаётган сутни бир йил ичида бунчалик кўпайтира олгани йўқ. Воронеж области Ленин ордени билан мукофотланган бир вақтда Москва области ҳам Ленин ордени билан мукофотланди. Москва областининг ҳам катта муваффақиятлари бор. Бу иккала областни таққослаганимизда шуни кўрамизки, Москва областида ҳар бир сигирдан ўтган йил колхозларда 2.712 килограммдан ва совхозларда 3.446 килограммдан сут соғиб олинган бўлса, Воронеж областида ҳар бир сигирдан соғиб олинган сут ҳозирча 2.407 килограммни ташкил килди. Демак сиз, воронежлик ўртоқлар ўзларингизнинг ғайратингизни бўшаштирмаслигингиз керак. Бунда шуни эсда тутиш керакки, москваликлар ҳам чорвачилик соҳасидаги янги муваффақиятларга эришмоқ учун курашни бўшаштирмоқчи эмаслар.

Воронеж области меҳнаткашлари гўшт етиштиришни, шунингдек уни давлатга топширишни ва сотишни кўпайтиришда катта муваффақиятларга эришдилар. Шу билан бирликда бу областда чорва моллар сонини, шу жумладан чўчқаларнинг сонини ҳам кўпайтириш соҳасида ҳали кўп иш қилиш керак. Қилинадиган ишларнинг энг каттаси олдинда турипти.

Ленин бизга таълим бериб кибрланиб кетмангиз, ўз муваффақиятларингизга маҳлиё бўлиб кетмангиз, эришилган муваффақиятлар билан хотиржам бўлиб қолмангиз, ишнинг қолоқ участкалари ва тармоқларидан кўз юммангиз деяр эди. Кимки буни лоақал вақтинча унутадиган бўлса, муқаррар қийинчиликлар туғилади, айниқса мусобақанинг бошқа қатнашчилари олға силжишга зўр бериб интилаётган ва буни уддалаётган шароитда Ленининг шу таълимотини унутиб қўйганлар учун қийинчилик муқаррар туғилади.

Масалан, чорвачиликни чанақлам юксалтирмоқ учун бу соҳада бевосита иш олиб бораётган кишиларнинг яхши ишлашини таъминлашнинг ўзигина кифоя қилмаслигини ҳамма билади. Бунинг учун дон хўжалигини тўхтовсиз юксалтиришга, дон етиштиришни кўпайтиришга, дон экиларининг ҳосилдорлигини янада оширишга ҳам таяниш зарур. Масалан, маккажўхоридан яхши ҳосил олинмаганда эди, ҳозирги вақтда чорвачиликни юксалтириш учун курашиб бўлмаслигини, мустаҳкам ем-хашак базасини вужудга келтириб бўлмаслигини ким билмайди? Бундан тўғри хулосалар чиқариб олиш керак. Демак, шуни эътироф қилишга тўғри келадики, бу соҳада ҳали кўп иш қилиш керак, чунки биз соғиб олинаётган сутнинг миқдорини тағин ҳам кўпайтириш ва гўшт етиштиришни янада кўпайтириш, яна бунинг устига сигирлар ва чўчқаларнинг сонини албатта анча кўпайтириш ниятидамиз.

Шу билан бирликда биз лавлагининг ҳосилдорлигини ошириш, картошка, сабзавот, техника экинларининг ҳосилини етиштиришни кўпайтириш гамини ейишимиз лозим. Илғор коллективларнинг ва илғор кишиларнинг тажрибаларидан фойдаланиш соҳасида қолоқ районларда, кучсизроқ колхозларда, совхозларда ва МТСларда ҳали кўп иш қилиниши керак.

Партия бизга муваффақиятларимиз ва ютуқларимизга тўғри баҳо бериш керак деб таълим беради. Биз ҳам партиянинг бизга яхши иш ўргатаётганлигини, қийинчиликларни қандай қилиб енгишни, қандай қилиб галаба қозонишни ўргатаётганлигини биламиз.

Партия Марказий Комитетининг декабрь Пленуми олтинчи беш йилликнинг биринчи йилдаги ишларга якун ясади. Пленум катта муваффақиятлар борлигини қайд қилди ва шу билан бирликда, марказий ҳамда маҳаллий ташкилотларнинг ишларини янада яхшилаш зарурлигини кўрсатиб ўтди. У янги планларни аниқлаб чиқишни ва планлаштириш савиясиниг мамлакатнинг тез ўсиб бораётган социалистик хўжалигига мослаб кўтаришни талаб қилди. Пленум шуни ҳам эътироф қилдики, саноатни ва қишлоқ хўжалигини янада юксалтиришни таъминлаш билан бир қаторда уй-жой қурилишини кўпайтиришга эришиш ва барча ташкилотларимизнинг шаҳар ҳамда қишлоқ аҳолисининг эҳтиёжларини қондириш тўғрисидаги ғамхўрлигини кучайтириш зарур. Биз ҳамиша партия қарорларини ўзимизнинг ҳамма ишимизда ҳаракат учун қўлланма деб биламиз.

Бу йил Ул

КПСС Марказий Комитети секретари М. А. Сусловнинг Саратов областида бўлиши ва жўнаб кетиши

САРАТОВ, 18 январь. (ТАСС). КПСС Марказий Комитети Президиумининг аъзоси, КПСС Марказий Комитетининг секретари М. А. Суслов область партия комитетининг биринчи секретари Г. А. Денисов ва область ижроия комитетининг раиси А. П. Бочкарев билан бирга кеча Заволжьенинг энг катта районларидан бири бўлган Ершов районига борди.

Ўртоқ Суслов 1954 йилнинг ноябрида қўриқ ерда ташкил этилган «Декабрист» совхозида совхоз поселкасининг қурилиши билан танишди, мактабда, кутубхонада, ремонт мастерскойида, ошхонада, магазинда, ишчиларнинг уйларида бўлди. Ҳамма жойда эркин, самимий суҳбатлар бўлди.

«Декабрист» совхози ўтган йил давлатга 1.200 минг пуд дон топширди ва беш миллион сўмдан ортиқ фойда олди. Бир центнер донанинг таннархи бу хўжаликда 20 сўм 70 тийинни ташкил этди, бу эса пландагидан анча камроқдир. Ўртоқ Суслов буни совхоз коллективининг биринчи катта муваффақияти эканлигини таъкидлаб, совхоз ходимларининг эътиборини бу йил хўжалик чорвадорликни бутун чоралар билан ривожлантириш лозимлигига қаратди ва совхозда чорвачилик кейинда қолаётганлигини айтди.

Ўртоқ Суслов шу райондаги партия XVIII съезди номли колхозга ҳам борди. Колхознинг раиси — РСФСР Олий Советининг депутати, Ленин ордени билан мукофотланган А. К. Гопко Ўртоқ Сусловни колхоз хўжалигининг қандай бошқарилаётганлиги билан таништирди.

Кечқурун Ўртоқ М. А. Суслов Н. Г. Чернишевский номидаги опера ва балет театрида Гунонинг «Фауст» операсини тамоша қилди.

Бугун Ўртоқ Суслов областнинг раҳбар ходимлари билан бирга Радишчев номидаги бадиий музейга борди, у ердаги тўпланган жуда бой тасвирий санъат, графика ва скульптура асарларини тамоша қилди.

Шундан кейин Ўртоқ Суслов Волга бўйига бориб, шаҳарнинг бу қисми қандай реконструкция қилиниши билан қизиқди. Ўртоқ М. А. Суслов шаҳарнинг энг йириқ саноат райони бўлган Ленин районида фабрика-ошхонанинг иши билан танишди, яқинда қурилган уч заллик «Победа» кинотеатрида бўлди.

Тушдан кейин Ўртоқ Суслов Москвага жўнаб кетди.

КПСС Марказий Комитети Президиумининг аъзоси, КПСС Марказий Комитетининг секретари М. А. Сусловни кузатиш учун вокзалда жамоат ташкилотларининг ва шаҳар меҳнаткашларининг вакиллари тўпландилар.

СОЦИАЛИСТИК МЕҲНАТ ҚАҲРАМОНЛАРИ

Суратда: (чапдан ўнгга) Оржоникидзе районидаги «Қизил Ўзбекистон» колхозининг бригада бошлиғи **Анвар Эгамназаров**, Қорасув районидаги Ленин номли колхознинг раиси **Туроб Нормуҳамедов**, Гулистон районидаги Молотов номли колхознинг раиси **Соиб Назаров**, Оржоникидзе районидаги Хрушчев номли колхознинг звено бошлиғи **Жўра Қодиров** ўртоқлар.

1956 кишлоқ хўжалик йилининг дастлабки якунлари

Журналистлар Марказий уйида матбуот конференцияси

18 январда СССР Қишлоқ хўжалик министри Ўртоқ В. В. Мацкевич Москвадаги Журналистлар Марказий уйида совет ва чет эл журналистлари учун матбуот конференцияси ўтказди. Матбуот конференциясида у 1956 қишлоқ хўжалик йилининг дастлабки якунлари тўғрисида ахборот берди.

Ўтган йилнинг бир қанча жойларда об-ҳаво ноқулай келганига қарамай, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг кўп даражада ўсиши таъминланди, деди Ўртоқ Мацкевич. Дон, пахта, зигир, қанд лавлаги, картошка ва сабзавот етиштиришда катта муваффақиятларга эришилди. Гўшт, жун ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари тайёрлаш кўпайди.

Маккажўхори экин майдонининг кенгайтирилганлиги чорвачиликнинг ем-хашак базасини мустаҳкамлади. Мамлакат колхозларида ҳар бир сигирдан соғиб олинган сутнинг миқдори бир йил ичида 1.260 килограммдан 1. 597 килограммга етди; совхозларда ҳар бир сигирдан соғиб олинган сутнинг миқдори 1956 йилда 2.177 килограммни ташкил этди. Шуни назарда тутиш керакки, мамлакатимизда соғиб олинган сутнинг ўртача миқдори сут олиш учун боқиладиган сигирлар бўйича ҳам, гўшт учун боқиладиган моллар бўйича ҳам ҳисобга олинади. Масалан АҚШ дагидек, маҳсулдорликни фақат сут учун боқиладиган сигирлар бўйичагина ҳисобга олсак, у вақтда бу ўртача миқдор анча кўп бўлар эди.

Колхозларнинг ва колхозчиларнинг даромадлари тобора ошиб бормоқда. 1950 йилда колхозларнинг пул даромадлари 34,2 миллиард сўм бўлган бўлса 1955 йилда 75,6 миллиард сўмга етди. Ўтган йилда эса уларнинг пул даромади янада ортди, чунки колхозлар ва колхозчилар топширилган ва сотилган маҳсулотлар учунгина 1955 йилдагига қараганда 20 миллиард сўм кўпроқ пул олдилар.

— Биз, — деди пировардида Ўртоқ Мацкевич, — қишлоқ хўжалигимизда ҳали кўпгина қийинчиликлар ва ҳал этилмаган масалалар борлигини жуда яхши биламиз, аммо қишлоқ хўжалигининг ривожланишида жиддий бурилиш даври бошланганлиги шубҳасиздир.

Сўнгра Ўртоқ Мацкевич кўп саволларга жавоб қайтарди. Ҳозир бўлганлар қишлоқ хўжалик илмий-текшириш муассасаларининг ишини қайтадан қуриш масаласи билан қизиқдилар. Ҳозирги вақтда, деди Ўртоқ Мацкевич, областларда, ўлкаларда ва автоном республикаларда давлат қишлоқ хўжалик тажриба станциялари ташкил этилган. Бу станцияларнинг асосий вазифаси — мазкур областнинг қишлоқ хўжалик соҳасидаги илмий-амалий вазифаларини ҳал этишдан иборат. Бундай станцияларнинг ҳар бири ҳозир катта хўжаликка эга. Бундан ташқари, зонал ва тармоқ илмий-текшириш институтлари ҳам бор. Илмий-текшириш муассасалари мамлакатнинг ҳар бир қишлоқ хўжалик зонасига мувофиқлаштириб деққончилик системасини вужудга келтириш соҳасида муҳим иш олиб бормоқдалар. Ўз кўлами ва аҳамияти жиҳатидан жуда катта бўлган бу ишларни 1958 йилда тугаллаш мўлжалланади. Ўртоқ Мацкевич колхоз олими Т. С. Мальцевнинг методи практикада қандай қўлланилаётганлигини муфассал гапириб берди.

Қўриқ ва бўз ерларни ўзлаштириш ҳамда янги совхозлар ташкил қилишнинг келгуси перспективалари ҳақида кўп саволлар берилди. Яқин йилларда ҳайдаш учун яроқли қўриқ ерларни қидириш ва ўзлаштириш ишлари давом эттирилади, бу ерларда янги совхозлар ҳам ташкил қилинади, деди Ўртоқ Мацкевич. Янги совхозларда чорвачиликни, шунингдек қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг бошқа тармоқларини ривожлантиришга катта эътибор берилади. (ТАСС).

Хитой Халқ Республикасининг Ҳукумат делегацияси В. И. Ленин ва И. В. Сталин мавзолейида бўлди

Хитой Халқ Республикаси Давлат Кенгашининг Бош Министри Чжоу Энь-лай ва ХХР Ҳукумат делегациясининг аъзолари — Бош Министр Ўринбосари Маршал Хэ Лун, ХХР Ташқи ишлар министрининг Ўринбосари Ван Цзя-сян ва ХХР нинг СССР даги Элчиси Лю Сяо 18 январда В. И. Ленин ва И. В. Сталин мавзолейига бордилар ва гулчамбарлар қўйдилар. Гулчамбарлардаги қизил ленталарга: «Революциянинг улуғ устози В. И. Ленинга ХХР Ҳукумат делегациясидан», «Улуғ марксист-ленинчи И. В. Сталинга ХХР Ҳукумат делегациясидан» деган сўзлар ёзилган.

Мавзолейга борганда СССР Ташқи ишлар министрининг Ўринбосари Н. Т. Федоренко, СССР нинг ХХР даги Элчиси П. Ф. Юдин, СССР Ташқи ишлар министрлиги Узоқ Шарқ бўлимининг мудири И. Ф. Курдюков, СССР Ташқи ишлар министрлиги Протокол бўлимининг Мудири Ф. Ф. Молочков ва Москва Кремлининг коменданти генерал-лейтенант А. Я. Веденин ХХР Ҳукумат делегациясига ҳамроҳ бўлдилар. (ТАСС).

Маҳаллий ўғит тўплашга эътиборни кучайтириш керак

Гулистон районидаги илғор колхоз аъзолари Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетининг ва ССР Иттифоқи Министрлар Советининг колхозчиларга, МТС ва совхозларнинг ишчиларига, партия, касаба союз ва комсомол ташкилотларига, мутахассисларига ва қишлоқ хўжалигининг барча ходимларига қарата чиқарган мурожаатига жавобан қўклам экиш кампаниясига тайёргарликни кучайтириб юбордилар. Бу иш, айниқса, райондаги Крупская номли колхозда яхши ташкил этилган.

Бу колхозда пахта ва қишлоқ хўжалик экинларининг ҳосилдорлиги йилдан-йилга ортиб бормоқда. Масалан, 1955 йилда ҳар гектар ердан 26,5 центнердан ҳосил етиштирилган бўлса, 1956 йилда давлатга 29,4 центнердан пахта топширилди. Пахта ҳосилдорлигининг ортиб боришида ер ҳайдашнинг ўз вақтида ўтказилиши билан бирга маҳаллий ўғитлардан унумли фойдаланиш ҳам катта роль ўйнамоқда. Буни ўз тажрибаларида синаб кўрган колхоз аъзолари бу йил ҳам далаларга маҳаллий ўғит ташиб чиқариш, гўнг тўплаш ишларига алоҳида эътибор бермоқдалар. Ўтган йилнинг декабрь ойларидаёқ, ҳар гектар ерга 8-10 тоннадан мўлжаллаб гўнг ташиб чиқарган эдилар. Шунингдек колхознинг 770 гектар экин майдони 28-30 сантиметр чуқурликда муддатидан илгари ҳайдаб қўйилди.

Шу кунларда колхозчиларнинг бутун диққат-эътибори кўпроқ гўнг тўплашга қаратилган. Маҳаллий ўғит тўплаш ишига 4 автомашина, 8 от-арава ва 75 ишчи кучи ажратилган. Ҳозирга қадар колхоз бўйича 1500 тоннадан ортиқ маҳаллий ўғит жамгарилди. Шундан 400 тоннаси бригадаларда тайёрланган махсус чуқурларга кўмиб қўйилди.

Бу ерда минерал ўғитларни ташиб келтириш ишлари ҳам яхши йўлга қўйилган. Колхозчилар ҳозирга қадар сельхозснаб омборидан планда кўрсатилган ўғитларнинг деярли 85 процентини ташиб келтирдилар, колхозда ариқ-зовурларни тозалаш каби бошқа қишки тадбирлар ҳам муваффақият билан амалга оширилмоқда.

Лекин райондаги барча колхозларда ҳам кўклам экиш кампаниясига тайёргарлик аҳа шундай намунали ташкил этилган деб бўлмайди. Андреев номли, Калинин номли, Хрушчев номли колхозларда маҳаллий ўғит тўплаш ишлари талабга жавоб бермайди. Бу колхозларда ҳозирга қадар атиги 150-250 тоннадан гўнг тўпланган, Маленков номли колхозда эса шу пайттача далага бирор тонна маҳаллий ўғит ташиб чиқарилмаган. Шуниси ачинарлики Карл Маркс номли, Пушкин номли, Калинин номли, Свердлов номли колхозларда бундан 2-3 йил илгари тўпланиб қўйилган маҳаллий ўғитлар молхона атрофларида сочилиб ётибди.

Маҳаллий ўғит пахта ҳосилдорлигини оширишда муҳим восита. Бу нарса партия ва ҳукуматимизнинг қарорларида, қишлоқ хўжалик илғорларининг яқинда бўлиб ўтган қурултойида, ниҳоят Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетининг ва ССР Иттифоқи Министрлар Советининг Мурожаатида қайта-қайта уқтириб ўтилган. Шундай экан, маҳаллий ўғитлардан тўлиқ фойдаланмасдан туриб пахтадан мўл ҳосил етиштириш мумкин эмас.

Гулистон район пахтакорлари олдида 1957 йилда ҳам барча қишлоқ хўжалик экинларидан, айниқса, пахтадан мўл ҳосил етиштиришдек муҳим вазифа турибди. Бунинг учун маҳаллий ўғит тўплаш ишидаги ўзибўларчиликка барҳам бериб, барча куч ва имкониятларни қишки тадбирларни ўз вақтида амалга оширишга қаратиш керак.

Б. ҲАМДАМОВ,
В. АБДУСАМАТОВ.

Меҳнат — шон иши

Колхозимизда кейинги икки йил мобайнида, айниқса, 1956 йилда пахта ҳосили оширилди.

Биз теримчиларга фидокорона меҳнат қилиб етиштирилган ана шу ҳосилни ҳеч бир нобуд қилмай, йиғиб-терив олиш вазифаси юкланган эди.

Ўтган йил пахта терими бошланиш олдидан Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган кўпминг килограммчи теримчилар кенгашига қатнашдим. Кенгаш қатнашчилари ҳосилни тезроқ йиғиб-терив давлатга топшириш учун чевар теримчилар мусобақасини бошлаб, мавсумда 15-20 тоннадан пахта терив бериш юзасидан юксак мажбурият олдилар. Мен ҳам бу чақириққа қўшилиб, мавсумда 25 тонна пахта теришга ваъда бердим.

Кўпчилик олдида олган юксак мажбуриятни бажариш учун курашиб мавсум бошидан охиригача астойдил меҳнат қилдим. Иш вақтидан тўғри ва унумли фойдаланишим кўп пахта теришимга имконият берди. Бунинг учун ҳам теримнинг биринчи куниёқ хирмонга 203 килограмм пахта топширган бўлсам, иккинчи куни ва ундан кейин кунига 400 килограмм ва ундан ошириб пахта топширдим. Баъзи кунлари 510 килограммдан ҳам ортиқ пахта теришга муваффақ бўлдим.

Ўтган йилги меҳнатим жуда қунончли бўлди. Йил охиригача 25 минг 700 килограмм пахта терив, социалистик мажбуриятимни ошириб адо этдим.

Бизнинг мамлакатимизда ҳалол меҳнат қилган киши юксак қадрланади, меҳнат қилиш — шон иши, шараф иши ва қаҳрамонлик иши деб ҳисобланади. Коммунистик партия ва Совет ҳукумати меҳнатимга юксак баҳо бериб, менга Социалистик Меҳнат Қаҳрамони деган унвон берди. Бу олий мукофотга жавобан янада фидокорона меҳнат қилиб, социалистик жамият учун, халқимиз учун хизмат қиламан. Менга Социалистик Меҳнат Қаҳрамони унвони берганликлари учун Коммунистик партия ва жонажон Совет ҳукуматидан беҳад миннатдорман.

С. ҒУЛОМХОНОВА,

Пискент районидаги Сталин номли колхознинг теримчиси.

Партия ва ҳукуматимиз Мурожаатидан илҳомланиб

Трактор бригадамиз 1956 йилда «Ленинобод» колхозида хизмат қилди. Шу йили пахтакорлар асосий ерлардаги ғўзаларни квадрат-уялаб ва тор қаторлаб ўстиришга катта эътибор бердилар. Механизаторлар колхозчиларнинг бу ҳаракатларига ўзларининг халол меҳнатлари билан муносиб ҳисса қўшиш учун курашдилар. Улар янги, прогрессив методни қўлланишда етарли тажрибага эга бўлганликлари, ғўза қатор оралиғини узунасига ва кўндалангига сифатли культивация қилганликлари, пахтакорлар билан мустаҳкам ҳамкорликда иш олиб борганликлари учун катта ҳурматга сазовор бўлдилар.

Бригадамиз аъзолари хизмат қилган Ўртоқ Комил Рустамов бошлиқ пахтачилик бригадасида ҳосил мўл бўлди. Бу бригада 108 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан давлатга 33 центнердан пахта топширди.

Биз бу муваффақиятларни мустаҳкамлаш, колхозчиларнинг пахта ҳосилини ошириш йўлидаги курашларига муносиб ҳисса қўшиш мақсадида ўзаро социалистик мусобақани кучайтириб, шу кунгача колхознинг 700 гектар пахта майдонини сифатли шудгор қилиб қўйдик.

Партия ва ҳукуматимизнинг барча қишлоқ хўжалик меҳнаткашларига қарата чиқарган Мурожаати бизни янада унумли меҳнат қилишга, пахта ҳосилини ошириш учун зарур тадбирларни амалга ошириш учун курашга руҳлантириб юборди. Бригадамиз аъзолари шу кунгача 12 та «универсал»дан 8 тасини сифатли ремонтдан чиқардилар, мавжуд сеялкаларни ҳам чигит экишга тахт қилиб қўйдик.

Мурожаатда келгусидаги вазифалар равшан кўрсатиб берилган. Биз ана шунга амал қилган ҳолда пахтанинг ялпи ҳосилини тинмай ошириш учун курашамиз.

М. ХУСАИНОВ,

Оққўрғон районидаги «Ленинобод» колхозида хизмат қилаётган трактор бригадасининг бошлиғи.

ҚОРАҚАЛПОҚ АДАБИЁТИ ВА САНЪАТИ ДЕКАДАСИ ОЛДИДАН

Қорақалпоғистон тасвирий санъатининг равнақи учун

Совет ҳокимияти йилларида қорақалпоқ халқининг ижтимоий ва маданий ҳаётида мисли кўрилмаган буюк ўзгаришлар рўй берди. Маданият ва санъат соҳасида олдинга қараб катта қадам ташланди. Коммунистик партия ва Совет давлатининг оталарча ғамхўрликлари туфайли қорақалпоқ халқининг шаклан миллий, мазмунан социалистик маданияти гуллаб-яшнамоқда.

Ўтмишда, феодализм даврида Қорақалпоғистонда реалистик рассомлик санъати, ҳайкалтарошлик ва графика ривожланмаган эди. Зотан бунга имконият—моддий шароит ҳам йўқ эди.

Қорақалпоқ халқининг бадиий генийси асосан декоратив амалий санъатда намоён бўлди. Қорақалпоғистон ўзига хос мустақил бадиий мероса —оригинал гиламлар, декоратив-амалий санъатнинг ажойиб асарларига эга. Бу ижодий маҳсулотларда халқнинг бадиий фикрлари ва эстетик қарашлари ўзининг тўла ифодасини тополган. Кўзи қамаштирувчи гиламми, каштами, ёки ғанчдан ўйиб ишланган гулми, ҳуллас моҳир санъаткор қўлидан чиққан ҳар бир асар қорақалпоқ халқининг ҳаётга, уни ўраб олган гўзал табиатга бўлган муҳаббатини акс эттиради. Ҳаётни сўнмас муҳаббат билан севиш, ижтимоий муносабатлар ва дин томонидан вужудга келтирилган ҳар қандай тўсиқ ва чеклашларни мардона енгиб ўтиш натижасида ўзига хос мустақил миллий санъат яратилаётганлиги ва ривожланиб бораётганлиги кўрсатади.

Қорақалпоғистонда рассомлик санъати, ҳайкалтарошлик ва графика соҳасида ижод қилаётган моҳир санъаткорлар бор. Станиславский номидаги Қорақалпоқ давлат театрининг рассоми, Қорақалпоғистон АССРда хизмат кўрсатган санъат арбоби Б. Каменев ўзининг оригинал ижодий асарлари билан машҳурдир. У сўнгги йилларда спектакларни бадиий жиҳатдан безаш соҳасида катта ютуқларга эришди. Унинг «Ошиқ ғариб» спектаклига ишлаган декорацияси форма ва мазмунининг оригиналлиги билан ажралиб туради.

Б. Каменев ва ёш рассом Ф. Мадгазин республикани айланиб, кўп саёҳат қилдилар. Улар ўтган йил Мўйноққа ижодий командировкага бориб, жуда кўп этюд ва эскизлар яратдилар. Конкрет ҳаётий фактлар асосида ишланган «Балиқчилар» картинаси совет кишилари меҳнатини ёркин ифода этиши билан айниқса диққатга сазовордир.

Тошкентдаги П. П. Беньков номидаги бадиий билим юртини тамомлаган Ф. Мадгазин ўз рассомлик маҳоратини тинмай оширмоқда. Унинг этюдлари тематикасининг хилма-хиллиги, мазмунининг чуқур ва ҳаётийлилиги билан киши эътиборини ўзига жалб қилади. «Амударёда» серия-сидаги этюдлар рассомнинг табиат лавҳаларини яхши акс эттира олишидан далолат беради. Халқ турмушининг айрим томонлари, архитектура деталлари, республика каналлари этюдларда реал ифодаланган. Бу — ёш авторнинг турмушга диққат билан қарашини ва ҳаётни борган сари чуқурроқ ўрганиб бораётганини кўрсатади.

Китобларни бадиий жиҳатдан безовчи ёш рассом М. Бугаенко, таланти пейзажист Г. Лазько ўртоқлар ҳам ўз асарлари билан қорақалпоқ халқининг маданий хазинасини бойитмоқдалар.

Юқорида келтирилган ютуқлар билан бирга, Қорақалпоғистон рассомлари, ҳайкалтарошлари ижодида катта камчиликлар ҳам бор. Айрим асарларни назарга олмаганда, республикада тасвирий санъатнинг тематик жанр, портрет, натюрморт каби жанрларига сабабсиз равишда эътибор берилмаётир. Тўғри, рассом Д. Микулицкий машҳур оқин Қурбонбой Тожиев портретини яратиш устида ишламоқда, Ф. Мадгазин ва ҳайкалтарош М. Гринев моҳир пахтакор Шомурод Мусаевнинг портретини чизишни тамомлай деб қолдилар. Шунга ўхшаш айрим асарлар яратилмоқда.

Аммо Қорақалпоғистон тасвирий санъатида ижоднинг асосий объекти бўлган совет кишисининг ҳаёти, фикр ва туйғулари, ички кечинмалари ва унинг юксак маънавий қиёфаси тўла очиб берилмаётир. Бир қатор асарларнинг зайф томони шундаки, уларда совет кишисининг ички дунёси, маънавий қиёфаси ниҳоятда камбағал ва бир томонлама кўрсатилган. Кўпинча рассомлар кишилардаги биринчи қарашда кўзга ташланадиган томонларнигина тасвирлаш билан чегараланиб қоладилар. Бу, тасвирланаётган образнинг ички дунёсини атрофдаги воқиа ва ҳодисалар билан боғлаб чуқур ўрганмаслигини кўрсатади. Рассомда дадилликнинг етишмаслиги, бўёқларнинг ёркин бўлмаслиги, композициядаги ифоданинг кучсизлиги, ниҳоят образнинг ёркин ва реал бўлмаслиги ҳам шундан келиб чиқади.

Халқнинг эстетик ҳавасини ошириш, унинг кундалик турмушига санъатни жорий қилиш пайти алдақачон келиб етган. Бизда санъат халқ мулки бўлиб қолди. Кино каби санъат турлари шаҳар ва қишлоқ аҳолисининг маданий дам олишига ва эстетик завқини оширишга хизмат қилиши керак. Лекин шуни айтиш керакки, республикадаги колхоз қишлоқлари бадиий маданият неъматларидан тўла баҳраманд бўлаётганлари йўқ. Қорақалпоғистон АССР Маданият министрлиги бу масалага эътиборни кучайтириши зарур. Шунга эришмоқ керакки, тасвирий санъат фақатгина шаҳарга эмас, қишлоқ аҳолисига ҳам хизмат қилсин. Бунинг учун республикада виставка ишларини кенг кўламда ривожлантириш, виставка тармоқларини кенгайтириш ва тематикасини бойитиш, кўчма виставкалар сонини кўпайтириш лозим. Бу ўз-ўзидан қорақалпоқ рассомларидан янги, сифатли, ғоявий асарларни кўплаб яратишни талаб қилади.

Халқнинг ўсиб бораётган эстетик талабларини қондириш учун маҳаллий миллат вакилларидан кўплаб юқори малакали рассомлар тайёрлашни қатъий равишда яхшилаш керак. Чунки республика тасвирий санъатининг келажакдаги ривожи ана шу кадрларга боғлиқдир. Шунинг учун ҳам маҳаллий миллат вакилларидан ёш рассом кадрлар тайёрлаш, уларнинг ижодий ўсишлари тўғрисида ҳар томонлама ғамхўрлик қилиш тегишли ташкилотлар ва жамоатчиликнинг диққат марказида бўлиши лозим.

Яқиндагина ташкил қилинган республика рассомлари союзининг Ташкилий комитети ўз фаолиятида катта қийинчиликларга дуч келмоқда. Ташкилий комитет рассомларни республиканинг колхоз, совхоз ва саноат корхоналарига ижодий командировкага юбориш имкониятига эга эмас. Айрим зарур тадбирларни ўтказиш учун маблағ, маҳоратни оширадиган рассомчилик студияси учун бино ва картиналар галереяси йўқ. Бу қийинчиликларни бартараф қилишда Ўзбекистон Совет рассомлари союзи ва Маданият министрлиги Ташкилий комитетга яқиндан амалий ёрдам беришлари, Қорақалпоғистонда рассомчиликни кенг кўламда ривожлантириш тўғрисида ғамхўрлик қилишлари керак. Ўзбекистоннинг атоқли рассомларини консультация бериш учун, санъаткорларни эса лекция ва суҳбат ўтказиш учун Қорақалпоғистонга вақт-вақти билан юбориб туриш фойдали бўлур эди. Ўзбекистон Совет рассомлари союзи қорақалпоқ рассомларини Тошкентга чақириб, уларнинг маҳоратини ошириш практикасини кенг қўлланиши лозим. Ўзбекистон санъат фонди республика давлат санъат музейи билан ҳамкорликда рассомчилик, графика ва ҳайкалтарошлик асарларидан иборат кўчма виставка ташкил қилиб, Нукусга юбориши керак. Қорақалпоғистон республика музейида рус ва совет рассомлари, шунингдек ўзбек рассомларининг асарлари йўқ. Шу сабабли Ўзбекистон давлат санъат музейи фондидан Қорақалпоғистон республика музейига экспонатлар ажратиб бериш тўғрисида ўйлаб кўриш лозим.

Ўзбекистон рассомлари қорақалпоғистонлик ҳамкасбларига яқиндан ижодий ёрдам берсалар, республика рассомлари тематик доиранинг торлиги, асарларда ғоявий-бадиий юксакликнинг етишмаслиги, катта қадамлар билан олга қараб кетаётган ҳаётдан маълум даражада орқада қолиш каби камчиликларни тезда тугатишларига шубҳа йўқ.

Ҳозир Қорақалпоғистон АССРнинг меҳнаткашлари Коммунистик партия ХХ съезди тарихий қарорларини амалга ошириш учун курашмоқдалар, меҳнат фронтида янгидан-янги ютуқларни қўлга киритмоқдалар. Қорақалпоғистон рассомлари ана шу ижодий меҳнат кишиларининг қаҳрамонликларини, кўпқирралли социалистик ҳаётимизни юксак ғоявий, бадиий ўткир асарларда акс эттириб, кўпмиллатли совет тасвирий санъати хазинасини бойитишга муносиб ҳисса қўшишлари керак.

Т. ОДИЛБЕКОВ.

Редактор З. ЕСЕНБОЕВ.

ТЕАТРЛАРДА:

НАВОИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 20/I да кундуз **Евгений Онегин**, кечқурун **Оққуш кўли** (билетлар сотилган), 22/I да **Бўронда**.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 20/I да кундуз **Фарҳод ва Ширин**, кечқурун **Азиз ва Санам**, 21/I да **Фарҳод ва Ширин**, 22/I да **Зафар**.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — **К. Доротти** гастроллари. Бугун уч марта тамоша кўрсатилади (кундуз соат 1, 4 ва кеч 8 да).

КИНОТЕАТРЛАРДА:

«ИСКРА», «ЁШ ГВАРДИЯ» «ЎЗБЕКИСТОН» — кундуз ва кечқурун **Карнавал кечаси**.

РЕСПУБЛИКА МАДАНИЯТ УЙИДА

(Ҳамза кўчаси, 10)
20 январда

«Навоий музикада»

деган темада

2-лекция-концерт

Лектор — **М. Мирзаев**. Программада: халқ мақомлари, ашула, музика ва рақслар.

Концертда: Ўзбекистон ССР халқ артистлари **Назира Аҳмедова, Юнус Ражабий**, Ўзбекистон халқ ҳофизлари **А. Ҳайдаров, О. Имомхўжаев**, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган санъат арбоби **Ашурали Юсупов**, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артистлар **С. Калонов, К. Жабборов, Э. Шукуруллаев, Ж. Сандалиев** ва филармония солистлари қатнашади.

Лекция-концерт кундуз соат 1 да бошланади. 1-абонемент ирайди. Қолган билетлар Маданият уйи кассасида сотилади.

РЕДАКЦИЯ ВА НАШРИЁТ АДРЕСИ. Тошкент. «Правда Востока» кўчаси № 34. РЕДАКЦИЯ БЎЛИМЛАРИНИНГ ТЕЛЕФОНЛАРИ: коммутатор — 36334 ва 33262 орқали Партия турмуши бўлими — 136. Пропаганда бўлими — 136 Совет қурилиши бўлими — 132. Маданият бўлими — 132, Адабиёт ва санъат бўлими — 39040. Қишлоқ хўжалик бўлими — 135. Саноат ва транспорт бўлими — 132. Хатлар бўлими — 34048. Маҳаллий ахборот бўлими 135. Секретарият — 34048. Эълонлар бўлими — 38142.

Р. 00918 «Қизил Ўзбекистон», «Правда Востока» ва «Ўзбекистони сурх» бирлашган нашриётининг босмахонаси. № А — 1723.